



3
**ҲАР УЙНИНГ УСТУНИ,
НУРИ БОР БЎЛСИН**

**«TOSHKENT OPEN
— 2010» ФОЛИБИ**



12



13
**ҲАР МАЗАЛИ
ФОЙДАЛИМИ?**

**БОШ ФАРЗАНД-
НИНГ АЙБИ
НИМА?!**



16

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



**Муаллим қадр топар мовий дёрда,
Энг юксак ишончлар ўлкасидадир.
Фарзанд борки, унинг ихтиёрида,
Фарзанд борки, унинг елкасидадир...**

Матиязар АБДУЛҲАКИМ

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

МУНОСАБАТ

Қайд этиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Экологик бўҳрон оқибатларини енгилаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мавлуда ИСМАТОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб, шахсан Юртбошимиз ташаббуслари билан бутун диққат-эътибор таълим-тарбияга қаратилди. Эслайлик, яқиндагина фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйгандик. Бугун дарслар таҳлилига кирарканман, ўқитувчининг сабоғи эмас, ўқувчининг устозига бераётган саволлари ва жавоблари мени ўзига жалб қилади. Бугун кўплаб хонадонларда компьютер бор. Болалар интернетда ишлашни жуда яхши ўзлаштиришган. Демак, ўқитувчи ҳам улардан қолишмаслиги керак-да энди. Кўп бора кузатаман ва ич-ичимдан суюнаман ҳам, бугунги ўқувчилар шундай ажойиб ва қутилмаган фикрларни ўртага ташлайдиларки, агар ўқитувчи дарсга яхшироқ тайёрланмаган бўлса, замон талабларига мос тарзда сабоқ беролмаса, зукко ўқувчилари қаршисида мот бўлиб, уялиб қолиши ҳеч гап эмас.

Телевизорда иқтидорли ёшларнинг астрономия, физика, химия соҳасидаги ютуқларини, ижодий муваффақиятларини кўрганимда, у қайси мактаб, қайси қишлоқ-шаҳарда ўқиётган йигит-қиз бўлмасин, юрагим фахру ифтихорга тўлиб кетади. Уша бола ўқиётган билим масканининг ўқитувчиларига чин кўнгилдан таҳсин айтаман.

— Боладаги иқтидорнинг юзага чиқишида устозларнинг меҳнати бекиёс. Шу маънода ўқитувчиларни иқтидор кашфиётчилари, деб атасак муболаға бўлмас. Биринчи ўқитувчингизни эслаганингизда кўз ўнгингизда беихтиёр нималар келади?

— Мен Тошкент шаҳрининг Ишчилар шаҳарчасида жойлашган 20-мактабда таҳсил олганман. Сира эсимдан чиқмайди. Мукаррам опа деган устозимиз бизга дарс берарди. Бошига рўмол ўраган, кўзларидан меҳр балқиб турган ҳақиқий ўзбек аёли эди. Дарсни бошлаганда аса, қарашларида ўзгача қатъият пайдо бўларди.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизда Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш, худудни иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастурлар ва лойиҳалар амалга ошириляпти. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йили

Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга оширишни бошқариш ва GEF (Глобал экологик жамғарма) агентлиги, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия кўмитасининг Нукус филиали республика тузилмалари билан ҳамкорликда аниқ мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш орқали экологик таназзулни энгиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи худудига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-

ичимлик суви билан таъминлаш тизими барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Қўнғирот сода заводи ишга туширилди, газ ва нефть қидириш ҳамда қазиб олиш ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётти.

Бундан ташқари, Орол денгизининг суви чекиниши туфайли ҳосил бўлган шўрхок ерларда шароитга мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилди. Оролнинг суви қуриган тубида ўрмонзор барпо этилди. У ерда гармселини қайтарётган, зарарли тузларнинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш мақсадида саксувлар, черкез, юлгун, кандим ва

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

бўлиб ўтган сайловда Экоҳаракатдан 15 депутат сайлангани бу йўналишдаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш ва амалий ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бу фалокатнинг бутун минтақа экотизимига етказган салбий таъсири кўлами нечоғли катта эканига ишонч ҳосил қилди. Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшashi учун яроқсиз ахволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар нафақат мамлакатимизнинг, балки Марказий Осиё минтақасининг глобал экологик муаммосига айланиб улгурган. Юртимизда ушбу муаммонинг салбий таъсирини камайитириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида талай ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган

иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда.


Пойтахтимизда 2008 йилнинг март ойида ўтказилган Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини

ушбу табиий шароитга мос, қўшимча сув талаб этмайдиган бошқа ўсимликлар экилди. Шу тариқа шамол таъсири остидан тупрок емирилиши камаймоқда, қўшимча мумкин бўлган қумлар мустаҳкамланмоқда, захи қочган ерларни ҳўжалик фаолиятида фойдаланиш учун жалб этиш имконияти пайдо бўляпти.

Оролнинг қуриган қисмида кум кўчиқларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамлик ўсимликлар экиш ҳисобидан шўрхок ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса бўш ётган худудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорва-чиликни ривожлантириш имконини беради. Амударё дельтасида умумий сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик ҳўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга хизмат қилади.

Аммо Орол муаммосини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш зарур. Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истикомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайитириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.



енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари бағишланган халқаро конференция мазкур худудда экологик таназзул оқибатларини бартараф этиш бўйича янги ҳамда янада самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилаётти.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича яратилган қўлай шарт-шароитлар Оролбўйидаги вазиятни ўнглашга ёрдам бермоқда. Замонавий коллежлар, лицейлар, мактаблар, даволаш муассасалари барпо этилмоқда. Магистрал коллекторлар қайта қурилиб,

хонадондан 2-3 киши гузарга чиқади: кўчалар тартибга келтирилади, ариқлар тозаланиб, чиқиндилар олиб ташланади.

Бугун маҳалла худудига туман юқумли касалликлар шифонаси, ҚВП, 7 та фермер ҳўжалиги, мактаб ва болалар боғчаси фаолият юритмоқда. Аҳолининг кўпчилиги шу муассасаларда ишлайди. Маҳалла маслаҳатчиси Зухра опа Бердимуродова аёлларнинг яқин сирдоши. Ниҳоҳ тўйига тараддул кўраётган оналар Зухра опанинг маслаҳатчиси бир ишга қўл урмайди. Тўғри-да, дабдабасиз, ширингина ўтказилган тўй анча вақтгача одамларнинг эсидан чиқмайди.

— Маҳаллаамизда тез-тез маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади, — дейди Зухра опа Бердимуродова. — Яқинда маҳалла маслаҳатчиларининг туман миқёсидаги семинари ҳам шу ерда бўлиб ўтди. Яна бир бизни қувонтирадиган нарса шуки, касаначилик фаолиятининг жонланиши эвазига маҳаллаамиз аёлларини йигирма нафари иш билан таъминланди. Уларга меҳнат стажи юритилмоқда, шу асосда пайти келиб кексалик нафақасини олишади.

Муллаторгайда ўтказилаётган маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигидаги тадбирларда асосий эътибор ёшларни ёт оқимлар гирдобига тушиб қолишдан асрашга қаратилмоқда. Хусусан, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида «Гиёвандликка қарши кураш», «Ёшлар ОИТСа қарши» мавзусидаги мулоқотлар маҳалла ёшлари тушунчасини бойитмоқда...

Ҳа, эртанги кунга умид ва ишонч билан қараётган халқимиз авлодларга овоз ва обод ватан қолдиришга доимо интилиб келади. Биз ҳиқоя қилган маҳалла аҳли ҳам шу қаторда борлиги эса янада қувонарли.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
«Оила ва жамият» мухбири.
Самарқанд вилояти.

✓ МАҲАЛЛА ҲАЁТИ

БИРДАМЛИКСИЗ ИШ БИТМАС

— Хайрли ишларга хайрихоҳлик маҳалладошларимизга хос фазилат. Ёшларимиз ҳам кўпни кўрган, ёши улуг инсонлар ортидан эргашаётгани қувонарли, — дея тўлкинлиб сўзлайди Каттақўрғон туманидаги Муллотоғий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Умаржон Усмонов.

Дарвоқе, бу гапда жон бор. Негаки, инсон қалбига хайрихоҳлик, ҳамжихатлик каби эзгу фазилатлар оилада, маҳаллада сингдирилади. Соғлом маънавий муҳитда тарбия топаётган фарзандлар хайрли ишларнинг бошини тутадиган, туғилиб ўсган она Ватани, маҳалласи тақдири ва фаровонлиги учун жон куйдирадиган инсон бўлиб вояга етади. Бугун салкам уч минг киши истикомат қиладиган Муллотоғийга кириб бораркансиз, кўчаларнинг ободлиги, атроф-муҳит озодлигидан баҳри-дилнингиз очилади.

— Фуқаролар йиғинимиз Бахрин, Муллотоғий, Хушал, Хўжақўрғон, Олмазор каби қишлоқлардан иборат, — дейди Умаржон ака. — Аҳилликда гап кўп, маҳалла аҳли орасида бирдамлик бўлмаса, бирор хайрли ишнинг уддасидан чиқиш мумкин. Муллотоғийликлар азалдан тозалик, саранжомликка катта эътибор бериб келишган. Ҳозир биз учун ҳар жума ободонлаштириш, тозалик кунни ҳисобланади. Ўша кунни ҳар бир

✓ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳуқуқий давлат ва бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуришда нотариал идоралари муҳим ўрин тутаяди. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш айна нотариал идораларининг асосий вазифаси саналади.

Мамлакатимизда турли муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар ўз навбатида нотариал идоралари фаолиятининг кенгайиши ва янада такомиллаштиришга туртки бўлмоқда. Шу боис улар фаолиятини ҳам тубдан ислоҳ қилиш, вазифаларини аниқ белгилаб бериш ҳамда фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматнинг сифатини янада яхшилаш эҳтиёжи юзага келган эди. Шу мақсадда бир неча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 2010 йил 5 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга асосан 2010 йил 15 майдан бошлаб юртимизда хусусий амалиёт билан шўгулланивчи нотариал идоралар тизими фаолияти тугатилди.

Фармон ижроси юзасидан Адлия вазирлигининг махсус буйруғига мувофиқ Бухоро вилоят адлия бошқармасида ишчи гуруҳи тузилиб, вилоятда фаолият кўрсатган хусусий нотариусларнинг нотариал ҳаракатлар бўйича архив ҳужжатларини тегишли давлат нотариал идораларига топшириш ишлари амалга оширилди.

Президент Фармони ижроси юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги қарори билан нотариал округлардаги эҳтиёж инобатга олиниб, давлат нотариал идоралари тармоғи ва нотариуслар лавозимларининг сони белгиланди. Бунга қўра, республика миқёсида қўшимча 220 та давлат нотариал идораси ва 229 та нотариус лавозими ташкил этилди. Шундан Бухоро вилоятда қўшимча 15 та давлат нотариал идораси ташкил қилиниб, 15 та нотариус лавозими жорий этилди.

Адлия вазирлигининг 2010 йил 3 июндаги буйруғи билан худудий адлия бошқармалари зиммасига бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Вилоят адлия бошқармасида буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида янги ташкил этилаётган давлат нотариал идоралари ва ягона марказлашган нотариал архивни замонавий талабларга жавоб берадиган бинолар билан таъминлаш, нотариал идораларни тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминаллари ва назорат-касса машиналари билан жиҳозлаш, нотариал ҳаракатлар махфийлигини, ҳужжатлар ва архив материалларининг сақланишини таъминлаш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Янги ташкил этилган нотариус лавозимларига танловлар ўтказилиши ҳақида марказий газеталарга эълонлар берилиб, талабгорлардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ишлари давом этаётти. Шунингдек, вилоят адлия бошқармасининг масъул ходимлари, фаолият кўрсатаётган давлат нотариал идоралари нотариуслари оммавий ахборот воситалари орқали нотариал фаолиятни такомиллаштириш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Республикамизда нотариал идораларнинг фуқаролик жамиятидаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётгани ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги қадамлардан бири деб баҳолаш мумкин.

Шухрат ТОЙИРОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.

ҲАР УЙНИНГ УСТУНИ, НУРИ БОР БЎЛСИН

Асли Самарқанднинг олис Кўшработ туманидан бўлган Қоракул ва жиззахлик Ҳабибахон Мирзачўлни ўзлаштирувчилар сафига келиб қўшилганида ҳали навқирон ёшда эди. Тақдирлари қўшилган экан, оила қуришди. Бу пайтда Ҳабибахоннинг ҳам, Қоракулнинг ҳам дилидан, юракларининг туб-тубидан «Ҳаётда ҳеч нарса меҳнатсиз, машаққатсиз қўлга киритилмайди», деган қатъий тушунча мустаҳкам ўрин олиб улгурган эди.

Бир-бирини қулаб йиллар ўтди. Ёш оила бир қадр ўзини тиклаб олди. Биринкетин фарзандлар дунёга келди. Шунгача кўпроқ ўзларини ўйлаб, қадрлаб, авайлаб яшаган эр-хотин энди кўпроқ болалар, уларнинг тарбияси ҳақида қайгурадиган бўлишди, оиладаги бош вазифа, асосий мақсад бевосита шунга қаратилди.

— Тарбия масаласида майда-чуйда нарса йўқ экан, — дейди оила бекаси Ҳабибахон. — Очиғи, ўзимиз ота, ўзимиз она бўлганимиздан сўнг бунинг барча машаққатини тушуниб етдик. Биласизми, баъзида оилага бир жамоани бошқаришдан ҳам кўра теранроқ, чуқурроқ ақл-фаросат, қобилият, донишмандлик керак бўларкан.


Шунинг учун ҳам болалари бўла туриб, зерикиб яшаётган аёлни аёл, она дейиш қийин. Қолаверса, шуниси аниқки, яхши онанинг фарзандлари ҳеч қачон

ёмон бўлмайди. Уларнинг қалби мўъжизалар яратишга қодир, меҳру муҳаббати битмас-туганмас. Боланинг ўз онасини руҳий жиҳатдан ҳам ўзига қадрдон деб билиши айна бахтнинг ўзгинаси. Буларни мен нега гапираяпман? Чунки тарбия

ларнинг тўнгич фарзанди Азизбек айна чоғда Ўзбекистон миллий университети талабаси. Келгусида у ҳуқуқшунос сифатида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда, малакали ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Укиси

Рамзбек эса Тошкент кимё-технология институтида таҳсил оляпти. Оиланинг кенжаси Соҳибанинг орузи — шифокор бўлиш. Шунинг у тиббиёт коллежида аъло баҳоларга ўқияпти.

— Қоракул уюшма-миздаги энг яхши «Қурбон ота» фермер хўжалигига раҳбарлик қилади, — дейди «Пахтазор» фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Қозоқбой Эргашев. — «Энг яхши» дея урғу бериб айтаётганининг сабаби бор. Чунки 1999 йили ташкил этилган мазкур фермер хўжалиги йилги белгиланган шартномавий режаларини ортиги билан ба-жариб келади. Даромад ва фойда ҳам шунга яраша. Ҳисоб рақамиди ҳар доим 20-30 миллион сўм маблағи бўлади. Ўзининг зарур техника ва механизмлари бор. Аъзолари ҳам чинакам меҳнатқаш, деҳқончиликнинг сир-асроларини яхши билладиган, фидойи кишилардир. Буларда хўжалик раҳбари Қоракул Қурбоннинг хизматлари катта, албатта. Оиласини айт-



жараёнида бу нарсалар ҳаёт-мамот масаласига тенг ҳисобланади. Чунки болангизнинг қисмати, тақдир, бахтли ёки бахтсиз келажаги шуларга боғлиқ. Шу ўринда ота-оналар тарбияда ортиқча қаттиққўллик ва ҳаддан зиёда меҳрибонликдан ҳам бирдек қочилар зарурлигини таъкидлашни истардим.

Мирзачўл туманининг бир чеккасидаги «Пахтазор» қишлоғида яшаётган ўнлаб хонадонлардан бири бўлган Қурбон-ов

ИМКОНИАТГА ЯРАША МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган қўйилганидек, мамлакатимиздаги мавжуд деҳқон, иختисослаштирилган ва буюм бозорлари фаолиятини бошқариш тизимини янада тақомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул тушумларининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан пойтахтимизнинг Яққасарой тумани солиқ инспекцияси томонидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, бу борада тегишли ижобий натижаларга эришилляпти ҳам.

Инспекция ходимлари туманимиз ҳудудидаги чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа субъектлари ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорларга ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг ва атрафлича тарғиб этиш, тушунтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Негаки, ушбу қарор, энг аввало, халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида биз солиқчиларга ҳам катта масъулият юклайди.

Фарход ТОШҚЎЗИЕВ,
Тошкент шаҳар
Яққасарой тумани давлат солиқ
инспекцияси ходими.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тасаввур қилинг, уйимизда бир кунгина чироқ ўчиб қолса, қанча асабимиз бузилади, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа чопамиз. Охир-оқибат чироқ ёнганидан сўнггина кўнглимиз хотиржам бўлади. Лекин ана шу кўзга кўринмас электр энергияси ишлаб чиқарилиши учун қанчадан-қанча маблағ, куч ва харажат сарфланишини аксариятимиз билмаймиз. Туганмас манба деб ўйлайдиган бойликни исталганча сарфлашининг ҳам ўзига яраша масъулияти борлигини унутиб қўямиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб қилиш механизмини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси-

ҚАРЗЛАР УНДИРИЛМОҚДА

нинг 2004 йил 9 декабрдаги қарорига биноан Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси ва Бектемир туман электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда кўшма буйруқ, тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда доимий назорат ишлари олиб борилмоқда.

Туман электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузган юридик шахс мақомига эга абонентлар сони 400 тани ташкил этади. Бу ташкилотлар ўзлари фойдаланган ва истеъмол қилган электр энергияси учун тўловни амалга ошириш бўйича «Тошшаҳар электр тармоқлари» ОАЖ томонидан белгиланган режани мунтазам бажариб келишмоқда. Лекин хўжалик субъектлари томонидан фойдаланилган электр энергиясидан қарздорликка йўл қўйиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Қарорда белгиланган тартибга асосан, истеъмол қилган электр энергияси бўйича қарздорликка йўл қўйган ва муддати ўтган дебитор қарздорлиги бор корхоналарга нисбатан тегишли чоралар кўриломоқда. Тошкент шаҳар хўжалик суди ва туман суд ижрочилари бўлими ёрдамида қарздор ташкилотлардан тегишли миқдордаги маблағлар ундириб олинляпти. Бу эса бошқаларга ҳам жиддий масъулият юкляпти.

Абкар УМАРОВ,
Бектемир туман
ДСИ бош инспектори.

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

майсиэми? Ҳамманинг ҳаваси келади. Келинимиз Ҳабибахоннинг рўзгор тутушини кўрсангиз, қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Шунда сиз ҳам оқила аёл оилада мураббий эканига амин бўласиз.

... Қишлоқ четидаги оддийгина ҳовли.

Ён-атрофдаги уйлاردан деярли фарқ қилмайдиган хонадон. Лекин дарвозадан киришингиз биланоқ озодалик, орасталлик, файзу тароватдан кўнглингиз яйрайди. Турфа хил гуллар, райхон жамбилларнинг ифорида бахраманд бўласиз. Сўри тағида ярақлаб турган «Нексия», этакдаги молхонада сугир-бузук, кўй-кўзи. Уй бекаси тандирда нон ёпапти. Ёнида 6-7 ёшлар чамасидаги қизалоқ гирдиқалалак: «Қулчам қачон пишади, бувижон?», «Қаранг, қаранг-чи, тагин куйиб кетмасин?» Зум ўтмай ҳовлини болаликдан димоғимиздан жой олган ва ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган иссиқ нон иси тутиб кетади. Бир-икки дақиқадан сўнг дастурхонга қип-қизил бўлиб пишган бўрсилдоқ бир жуфт нон қўйилади:

— Олинг, — дея илтифот қилади хонадон соҳиби Қоракул, — ўзимизнинг буғдойнинг нони...

Сўнг хали совиб улгурмаган қайноққина нони қўлларига пуф-пуфлаганича ушата бошлайди ва жилмайиб кўшиб қўяди:

— Эрак — устун, аёл — шамчироқ, иккиси бир бўлса оила обод, дерди отам раҳматли. Қаранг, ўшанда бу гапларнинг маънисига қанам эътибор бермаган эканмиз-да. Мана, Ҳабибахон билан ўттиз йилга яқин бирга яшаб, ҳаётнинг ачиқ-чучугини, пасту баландини озми-кўпми кўрганнимиздан сўнг авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиз топиб айтган бу сўзларнинг мазмунини энди-энди англагандай бўлаяпмиз.

Доноғул ЖЎРАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Жиззах вилояти.

ТАНҚИД ҚИЛИШ ОСОН, ЛЕКИН...

«Болангиз қандай сериал кўраяпти?» — 38-сон

Ушбу мақолани ўқиб, ўйланиб қолдим. Нега десангиз, ҳадеб чет эл сериаллари ҳақида танқидий мулоҳаза билдиришдан аввал ана шу асарларнинг ижобий жиҳатлари нималарда эканини ҳам таҳлил этиш керак. Чунки кимдир уларни кўриб, бошқа бир миллатга бўлган ҳурмат-эътибори ошаяпти. Бошқа бир мелодрама орқали эса одамлар замонавий, яъни европалашган оилаларда

ҳаёт тарзининг қандайлиги, жаҳон андозаларига мос равишда кийиниш, катта давраларда ўзини тутиш маданияти тўғрисида тасаввурга эга бўлаяпти. Хўш, буларнинг нимаси ёмон? Аслида, ҳамма гап чет эл сериалларининг ҳаддан зиёд ортиқлиги-ю, ўзбек сериалларининг ниҳоятда жўнлигида. Тўғри, бундай нуқсонлардан бизда кетма-кет намойиш этилаётган чет эл фильмлари ҳам холи эмас. Аммо улар томошабинни ўзига жалб эта олиш жиҳати билан устунликини бой бермаяпти, холос. Замонавий сериалларимиз эса маийши, майда-чуйда мавзулар, айниқса кейинги пайтларда урфга кириб қолган қайнона-келин можаросидан нарига ўтолмаётгани ачинарли.

Очиғи, буларни фақат оддий томошабиннинг кичик кузатувлари сифатида қабул қилишингизни истардим. Барибир оруз-ният инсонга умид бағишлайди. Хабарим бор, қатор газеталар, шу жумладан, «Оила ва жамият»да мультфильмлар ҳақида бир неча бор мулоҳазали, таҳлилий мақолалар босилди. Айнан шундай чиқишлар сабаб бўлди деёлмайману, лекин Мустиқиллик байрами кунларида бир эмас, бир неча ўзбек мультфильмларини экранга чиқиб, шу заҳотиёқ ҳамманинг меҳрини қозона олди, болажонларимиз учун ажойиб совға бўлди. Эҳтимол, кинофильм ва сериаллар ишлашда ҳам ана шундай сезиларли ўзгаришлар бўлиб қолар.

Кумуш ЭРМАМАТОВА

Эрталаб бўлиб ўтган воқеа ҳадеданг унинг ҳаёлидан кўтарилавермади. Эсига тушдики, асабийлашарди. Кун салқинида юмушларини бажариб олиш учун бозорга тушганди. Йўл-йўлакай кийим-кечак дўконига ҳам кирди. Одам сийрақ экан. Гардероб тўсини очиб, бир ўсмир киз ўзини ойнага соларди. Киз ёнида турган аёлга "қалай" деган савол назари билан боқди.

— Зўр, мана шуни оламиз. Анави дугонанг буни кўрса ёниб кетади...

Кизнинг эгнидаги либос ниҳоятда очик-сочик, бунинг устига калта эди.

— Онасимисиз,— Роза Пардаева ўқитувчилигига борди ба-рибир, ҳалиги аёлга юзланиб дилидагини айтди:

— Жудаям очик-сочик экан. Шундай кийинишига қандай йўл қўясиз?

— Ҳа, онасиман, э, нимасини айтасиз, дунёга бир келамиз-ку, ёшлигида ярашганини кийиб қолсин-да...

У бўлди, бу бўлди, хуллас она-болага гап ўқитиб бўлмади. Билганларини қилишди. Ана шуниси жудаям алам қилди. Киз болага тарбия бериши керак бўлган онанинг ўзи тарбияга муҳтож эканлиги унга қаттиқ таъсир қилган эди. Кўнглидан "Демак, коллежимиздаги қизларнинг оналари билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб туришимиз керак экан" деган фикр ўтди. Ахир, киз бола тарбиясига, энг аввало, оналар масъул-ку!

"Бир кизга етти эшиқдан тийув" дер эди онаси Гулчехра ая доим. Ўшанда бу гапларнинг маъносига унчалик ҳам эътибор бермас экан. Яна "Гар алифдек тўғри бўлсанг ҳеч бало йўқдур сенга, гар ўроқдек эгри бўлсанг ҳар бало бордур сенга" деган ҳикмати сатрларини ҳам тез-тез такрорларди. Ўйлаб қараса, онаси ишлари, сўзлари, ўғитлари билан тарбиялаган экан уларни. Шунинг учун ҳам Роза ҳамма тўғри сўзини айтди. Ишдами, йўлдами, жамоат жойларидами, ёшларнинг ўзларини тутишларидаги нуқсонни кўрса, бефарқ ўтиб кетолмайди.

Ўттиз етти йиллик педагогик фаолияти давомида руҳшуносга айланиб кетди ўзиям. У ёшларнинг тилини билади, уларнинг кўнглига йўл топишда катта тажрибага эга. Коллежда асосан қизлар ўқийди. Тажрибали муаллима ўзбек қизларининг, энг аввало, улуғ аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб вояга етишларини чин дилдан орзу

фарзанднинг онаси. Икки нафар киз ўстирди. Турмуш ўртоғи Абдумурод Пардаев билан болаларининг баркамол, эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишларини орзу қилишганди. Эзгу ниятлари ушалди. Бугунги кунда ота-онанинг улардан кўнгли тўқ. Кизи Пардагул онаси изидан кетди—ўқувчиликини таълади, Тошкентдаги коллежлардан бирида

топмай, қувонч кўрмай ўтиб кетади. **Бир қизни билардим. Уйдаги ҳамма юмушларни онаси қиларди. У эса ўқишни ҳам, бирор касб-ҳунарни ўрганишни ҳам истамас, тор, очик-сочик кийимларни кийиб олиб, ўзини кўз-кўз қилиб юришдан чарчамасди. Ниҳор**

✓ БУНИ УМР ДЕРЛАР

КЎНГИЛДА ГУЛ УНДИРГАН АЁЛ



қилади. Чунки мустақил Ватан учун керак бўлган руҳи хур, нияти эзгу, қалблари гўзал бўлган инсонларни бўлажак оналар — кизлар тақдим этишадиган. Ахир гул кўчатини экиб, уни яхши парвариш қилсанг гўнчалайди, йўқса жойини эса тикон, алаф босади. Шунинг учун ҳам қизлар тарбияси ўта жиддий масала. Боз устига Розахон ишлаётган Жиззах педагогика коллежида тарбиячилар тайёрланади. Қиз болалар ёшлигиданоқ одоб-ахлоқ, ақл-фаросат, меҳнат ва турмуш кеңириш бобига онгли, илмли бўлиб вояга етсалар, жамият, Ватан, халқимизнинг бахтидир.

Роза Пардаеванинг ўзи ҳам уч

дарс берапти. Дилбар ҳам олий маълумотли мутахассис. Ишлаётган жамоасида ўз ўрни, хурмати бор. Содиқжон замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ёшлардан. Жиззахда чет эллик ҳамкорлар билан очилган корхонада директор.

Тарбияда ота-она ибратини айнан мана шу оилада кўриш мумкин. Эр-хотин китоб ўқишни яхши кўришади, газета-журналлар кўлидан тушмайди. Бу одат фарзандларга ҳам ўз-ўзидан "юққан". Оиланинг ўзига яраша мўъжазгина кутубхонаси бор. Ундаги жаваҳирлар эса йиллик давомида йилгилан ноёб жаваҳирлардир десак, муболага бўлмайди. Бугун ана шу бойликлар ўз самарасини бериб турибди.

Халқ таълими аълочиси Роза Пардаева ўзининг эзгу иши — фарзандлар тарбияси билан ҳамон машғул ва бу муқаддас вазифани асло талқин қилмайди. Аксинча, ҳаётдан олган тажрибаларини ёшлар онгига сингдиришдан толмайди.

— Аслида инсон учун энг қадри ва гўзал нарса унга берилган ҳаётдир,— дейди у ўзига боқиб турган қора кўзларга қарата.— Ёшлиқдан ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини қадрламаган, уни бирор-бир мақсадга йўналтирмаган одам бу ёруғ дунёдан бахт

ят, қизни турмушга узатишди. Уч ой ўтар ўтмас, келин кўч-кўрони билан ота уйига қайтиб келди. Сабаби, у на супур-сидирни, на овқат пиширини, на кир ювишни билибди. Бунинг устига иш ўргатаётган қайнонасига бақарибди, мураса ҳам қилолмабди. Меҳнатсиз ўтган ёшлик — мусибат, дейдиган. Тадбиркор ва укувли аёл оиласига обрў ва бахт келтиради. Бундан тегишли хулоса чиқариб оласизлар, қизларим...

У ҳар бир дарсни худди ана шундай ҳаётини мисоллар билан ўтади. Бошқалар йўл қўйган хатоларни талабалар такрорламасин, дейди. Сабоқлардан ташқари ҳам жуда кўп маърифий тадбирлар уюштиради. Бундай учрашувларга ота-оналарни ҳам тақлиф этишни унутмайди. Чунки ҳамкорлик фақат яхши самара беради. Ҳамкасблари ҳам дунё кўрган бу остознинг бой иш тажрибасига тез-тез мурожаат қилиб туришади. Роза Пардаева ёшлар тарбияси, таълимнинг замонавий муаммоларини, баркамол авлоднинг тарбиялашда педагогика, психология, мусика ва спортнинг аҳамиятига оид кўплаб илмий-устулий мақола-лар муаллифи.

Дарслар тугаб, кўпчилик уйига шошилса, уни ўз онасидай яхши кўриб қолган қизлар эса Розахонинг ҳол-жонига кўймай, тегишли маслаҳатларини олишади. Ҳар бирининг айтар гапи, дарди бор. Ҳа, улар оналарига деёлмаган сирларини ҳам остозлари билан ўртоқлашади. Негаки меҳрибон ва дилкаш оналари ҳамма уларга фақат тўғри йўл кўрсатиб келган.

Роза Пардаеванинг шогирдлари жуда кўп. Улар ҳар доим остозларини йўқлаб туришади. Ва табиийки, оиласи, ҳаёти ва эришаётган ютуқларидан сўзлашганда, унинг кўнгли тоғдай кўтарилган.

— Эсингиздами, остоз,— деди бир куни шогирдларидан бири.— Қиз бола ҳаммаёқни гул қилиши керак, гулни яхши кўриши керак, деган эдингиз. Бу деганим гулни кўлга олиб ҳидлаб қўйиш эмас, уни ўстириш, унга меҳр бериш керак, дегандингиз. Энди уйимга юринг, гулларимни кўрсатай. Сизнинг ўша гапларингизга амал қилиб, уйимда ҳам, ишхонамда ҳам гуллар ўстираяман...

Тасодиф бўлиб Роза Пардаева ўша шогирдининг ишхонасига бориб қолди. Айтганича бор экан. Шогирдлари унинг сўзларини унутишмаётгани, аксинча, қатъий амал қилишгаётганидан қувонди. Қизларнинг қалб чаманига эккан гул уруғлари гулзорга айланганидан кўнгли тўлди. Ўша кун қаттиқ ҳаяжонланди. Ортада қолган унутилмас дамлар ҳақида ўйлади ва шунча йиллик заҳматли меҳнат бехуда кетмаганига шўқрона келтирди. Уйда эса опани яна янги, факулдада қувончли совага кутаётганди. Турмуш ўртоғи, фарзандлари, ўн нафар набиралари ҳам бўлиб, бу мунис ва меҳрибон аёлнинг таваллуд топган куни ҳамда касб байрами билан чин юракдан қутламоқ учун гулдаста хозирлашарди...

Норинисо ҚОСИМОВА,
журналист,
Баҳор ХОЛБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Жиззах вилояти.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ УСТОЗ

— Сочларинг бунча узун Барно қизим? Аммо унга бунақа темир-талқаларни (заколлар даммоқчи) илиб нима қилсан, а? Битта чойнакнинг қопқоғи қолибди-да. Бачканалик дейишда буни.

— Мана, кўринлар, бизнинг Баҳодирни. Булар уйда тўртта ўғил. Кир ювишдан тортиб, хамир қоришгача ҳамма юмуш ўзларининг бўйида. Лекин шимиға қаранг: қирраси билан қовун кеса бўлади.

— Вой қақажонгинам Рохат-ей, яна тилла зирак тақиб олисанми? Бу буюм келинчақларнинг безагику. Эртага кўрмайин-а...

Одатда Хуршида опа дарсга кириб, саломлашгач, парталар оралаб, кимнинг боши, кимнинг елкасини силаб, ҳар биримизни алоҳида, юмшоқгина тергаб, ё мактаб чиққандан сўнггина сабоқни бошларди. Дарс — математика. Аммо адабиётдан ҳам кўра қизиқарли эди бу сабоқ. Ва бу соатларда Хуршида онанинг энг кўп ишлатадиган бир сўзи бўларди — чиройли. «Салиманинг қошидек чиройли ёй чизиб, унинг радиусини топамиз». «Ана энди бу тенгламадаги икс мана шу чиройли сонга тенг

бўлди», «Чиройли қилиб доскани артиб оламиз», «Мана шу мисолларни тезда чиройли қилиб кўчириб олинглар-чи» ва ҳоказо. Аслида эса Хуршида Қаҳҳорованинг ўзи ҳам биз учун ҳақиқий чирой эди. Ҳақиқат асосан кўйлақда, бошда ҳарир дуррача ва билинар-билинимас атиргул ифори таратиб, синфга кириб келиши билан кўнглимиз ёришиб кетарди. Мушоираю беллашувларда саъй-ҳаракатларимизга қарамай, ютқазса бошласак, Хуршида опа томошабинлар орасидан шартта ўрнидан туриб чунонам шеърү газаллар айтиб кетардики, жори аъзолари «Бу ҳисобмас!» дейишса-да, барибир бизга сал-пал қайиша бошларди. Бир гал эса «Балли, йигитлар!» да тўполонда биринчи, аммо жамоат иши деса лабига учуқ тошадиган ўғил

болаларимиз билан ўзлари чилдир-ма чалиб, дуэт ҳам айтганида, ҳамма ўрнидан туриб чапак чалган. Афсуски, биз учун шунча жон койитган бўлсалар-да, синфимиздан буюк олимлар, математиклар чиқмади. Лекин математика деган фан, кимки унга алоқадор бўлса кўзимизга чиройли кўринади. Кап- катта аёл бўлиб қол-

ганмизу, ҳар сафар тирноғимизга лак сурсак ё юзимизга алланамалар билан пардоз берсак, Хуршида онанинг «Ҳай, кизгина, бу эликлардан эллиқдан кейин фойдалансангиз ҳам бўлсангиз. Ушанда ҳам кўзга билинар-билинимас сурма тортиб, сочларни силлик, ораста қилиб, ярақлатиб тараб қўйсанг, ана бўлди, сендан гўзал ким бор яна?», деган сўзларини кўп эслаймиз.

Билсак, Сиз ҳеч биримизни қаттиқ уришмасиз, тарсаки ҳам тортамасиз. Аммо қулиб турган чехрангиз бирдан тундлашганининг ўзи биз учун энг катта жазо эди. Гарчи бизнинг «Б» синф мактабда ҳаммадан ёмон бўлсак-да, сиз дарсга киришингиз ҳамон ипақдек эшилди, чиройли бўлиб қоларди. Ва ўша Барнолару Салималар, Баҳодиру Ураллар, Насибая Равшанлар, Раъною Рохатлар, Шухрату Комиллар, Гулчехраю Кароматлар, ҳамма-ҳаммаими номимиздан дегим келадикки, аслида тақдир сизни бизга остоз этиб, барчамизни сийлаган экан. Ҳамоно сизни яхши кўраимиз ва дунёдаги энг чиройли ва аjoyиб остозимиз, азизимиз Сатторов ва Хуршида Қаҳҳорованидир, деб биламиз.

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

Мактаб ҳовлисина гурра-гурра тўлдириб чопганларимиз ҳали-ҳали ёдимизда. Қўлимизда китоблар билан тўлдирилган зилдек оғир сумкани у хонадан бу хонага кўтариб чарчамасдик. Эҳ-хе, адабий кечалардаги шеърый айтишув, баҳру байту мушоираларда худди роль ижро этаётган актёрдек сезардик ўзимизни.

Устозларимиз ўргатган илм орқали, шукрки, шу даражага етиб келдик. Ҳар сафар йил боши — биринчи кўнғироқ ва йил сўнги — охириги кўнғироқ жарангини эшитсак, юрагимиз беихтиёр орзикаб кетади. Кўзларимиз

КЕЧАГИНА БОЛА ЭДИК

намланади. Қалбимизда эса ширин, тотли бир туйғу — соғинч бош кўтарарди. Бу туйғулар замирида остозимиздек азиз, онамиздек меҳрибон мўътабар устозлар сиймоси зоҳирдир.

Биринчи устозимиз Ойсулув Бердиева, тил ва адабиётдан сабоқ бериб, «шеърят»нинг эшигини очиб берган Абдухалиқ Каримов, Гулнара Норкулова, жонқуяр мураббийлар Облаккул Болиев, Курбонали Ражабов, Омонгул Азизова, Мўмин Суёнов, Муқаддам Норматовалардан беҳад миннатдоримиз. Чунки улар ўшанда қаттиққўл бўлсалар-да, бизнинг келажагимизни ўйлаб, шундай йўл тутганлар. Бизлар фақат сиз туйғайлигина шу ҳаёт отлиг улуғ уммонда эмин-эркин сузмoқ бахтига эришдик. Фурсатдан фойдаланиб барча устозларимизни айёмлари билан самимий табриқлаймиз. Самимий эҳтиром ила

Жиззах вилояти, Зафаробод тумани
Беруний номи 3-ўрта мактабнинг собиқ
ўқувчилари Дилфуза ХОТАМОВА, Фаридат
ЖАББОРОВА, Шухрат ҚУРБАНОВА, Фозил
БОБОЁРОВ ва бошқалар.

Ўз шоғирдлари меҳнатидан завқланиш хислатларини уйғота олган муаллим шарафга лойик.

Биринчи кўришгандаёқ Ойхон опанинг нигоҳлари менга азалдан танишдек туюлди. Самимий, сокин, ҳамisha кулиб турувчи нигоҳлар... Ўз соҳибасининг вазмин ва мурасасоз, сабрли ва сўзида собитлигига ишора қилаётгандек эди. Сокин дарёнинг нишаби чуқур бўлади. Бу чексизликда эса Ойхон опага ана шундай гўзал хислатларни ато этган тарих мужассам.

1945 йиллар... Тошкентлик ўқитувчи йигит Петербург шахрига малака ошириш учун ўқишга боради. У ерда Анна Иванованинг уйида ижарада яшайди. Эри қатагон қилиб юборилган аёл қизи Силва билан камтарона ҳаёт кечирарди. Қизнинг соддалиги ва меҳнаткашлиги йигитга ёқиб қолади. Буни Анна Ивановна эшитиб, шундай йигит қизига оғиз солганидан хурсанд бўлса-да, унинг олис юрларга кетиб қолишидан чўчийди. Йигит Анна Ивановани ҳам Ўзбекистонга олиб кетишга кўндирганида, бевақт ўлим улар ўртасига жудолик солади. Йигит қизни Ўзбекистонга таклиф қилади ва ота-онасининг розилиги билан турмуш қуришади. Силва эрини севгани учун ҳам унинг оиласини ниҳоятда ҳурмат қилади, ўзбекча урф-одатларни, сўзлашувни жондири билан ўрганади. Кўп ўтмай у қайнонасининг суюмли, пазанда келинига, маҳалла-қўйнинг дардига дармон бўлгучи шифокорига айланади. Улар — Йўлдош ака (ўқитувчи) ва Силва опа (шифокор) Ойхоннинг ота-онаси эди... Силва опа Ўзбекистонни Ватаним деди, унинг яхши ёмон кунини ўзиники деб билди ва бу садокати туфайли олти фарзанди ҳам юртпарвар бўлиб воёга етди. Икки қизи ота касбини эгаллади. Уларнинг бири Ойхон эди... Отасининг туни билан дафтар текшириши, байрамларда ўқувчилари йўллаган табриклардан боши осмонга етиб, ҳаммага ўқиб бериши қизгина учун орзули эди. Аммо тақдир тақозоси билан у 1974 йил Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Кундузи эса Юнусобод туманидаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатида дарс бера бошлади. Чунки кўнглининг туб-тубида ота касбига бўлган эътиқод чўғлиниб турарди. Институтни тугатгач, бу чўғ гулханга айланди. Ойхон Тошкент давлат рус тили ва адабиёти институтига ҳужжат топширди. Беш йил кундузги бўлимда таълим олди...

Юнусобод туманидаги 240-мактабга рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга қабул қилинганда ҳаяжонининг чеки йўқ эди. Ахир, унинг ёшлиқдаги орзуси рўёбга чиққанди-да! Қизгина ўшанда ўн йилдан сўнг мазкур мактабга раҳбар бўлишини тасаввурига ҳам сиғдирилмаган бўлса керак. Аммо «ҳаётини ақлдор билан ўтай олган инсонгина устоз бўла олиши»ни биларди. Сидқидилдан қилинган меҳнатнинг меvasи ширин бўларкан. Ойхон Одилонанинг саъй-ҳаракати би-



дея ишонч билан мактабга келишади. Демак, ўзининг тақдирдан, кечмишидан хурсанд. Шундай пайтларда кўнглим тўлиб кетади. Ҳа-да, уларнинг бахти бизнинг бахтимиз эмасми!

— Ойхон опа оилада ҳам «ҳамкасб»лар борми?

— Турмуш ўртоғим Аваз Одиллов билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида бирга ўқиганмиз. У киши ўз соҳаси бўйича коллежда дарс берадилар. Фарзандларим турли касбларни танлашди: Азизбек — педагог, Нилуфархон — ҳуқуқшунос, Наргизахон — тиббиёт ходими. Уйда суҳбатларимиз асосан ўқувчилар, таълимдаги янгиликлар ҳақида бўла-

РУҲИЯТ МУҲАНДИСИ

лан мактаб туманда илғорлар сафидан ўрин олди. Раҳбар, авваломбор, билим ошенини ободонлаштиришга эътибор қаратди, кейин фан хоналари қайта таъмирланиб, замонавий ўқув кўроллари, кўргазма анжомлари билан таъминланди, киши ва ёзги спорт мажмуаси учун зарур ускуналар келтирилди, 18 та турли йўналишдаги ва 24 та фан тўғараклари фаолияти ривожлантирилди. Бу мингдан ошқ ўқувчининг келажақда элу юртга муносиб, комил инсон бўлиб етишиши, жамиятда ўз ўринини топиши учун катта кўмак эди.

Ойхон Одилонанинг уринишлари самараси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ютуқларида ўз аксини топди. Биргина шу йил мисолида олсак, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови якуний босқичида география фани ўқитувчиси Шаҳноза Муҳаммедова биринчи ўринни, расм-чизмачилик фани ўқитувчиси Моҳидил Убайдуллаева иккинчи ўринни эгаллаб, халқ таълими вазирлигининг қимматбахор совринлари билан тақдирланишди. 9-«А» синф ўқувчиси Шаҳзод Ҳамроев эса биология фани бўйича республика фан олимпиадаси ғолиби бўлди. 6-«А» синф ўқувчиси Камрон Жабборов Тошкент шаҳридаги «Кичик академиклар мактаби»нинг олий совриндори дипломини олишга мушарраф

бўлди. Ўқитувчилар Дилфуза Қодирқуллова бошқараётган драма театри тўғариги ва Ирина Силиванова мураббийлик қилаётган кўғирчоқ театри тўғаригининг ютуқлари хусусида ҳам кўп ва хўп гапириш мумкин.

— Маърифат дарахти тафаккур суви билан яшнайдми, — дейди Ойхон опа. — Бу соҳанинг этагини тутган инсон фидойи бўлмаса, ўқитувчилардан воз кечиши керак. Устоз ўзи таълим-тарбия бераётган ўқувчисининг келажақига бефарқ бўлдимми, «Дарсимни ўтдим, тамом» деган фикрга бордимми, у касбига хиёнат қилаяпти. Устоз — руҳият муҳандиси, дейишди. Ана шу хислатга эга бўлмаган одам бизда ишлаши қийин. Зеро, мактабимиз ўзбек ва русий забон ўқувчиларга мўлжалланган. Демак, мураббий болаларнинг руҳиятига мослашиши, улар билан тиллаша олиши жуда муҳим. Уларга эркинлик бери, ўзини намоён этишларига шароит яратиши керак, камчилиги бўлса, йўналиш бериши, «тарош-лаши» лозим. «Қийинчиликларга сабрли бўлган, замон билан ҳамқадам, янгиликлардан бохабар инсонгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади», дердилар отам. Рост экан, ана шундагина устознинг мавқеи баланд бўларкан... Бугун кўпгина собиқ ўқувчиларим: «Устоз, фарзандимни ҳам сизга олиб келдим»,

ди. Болаларимнинг ҳар соҳада ўз мустақил фикрига эгалиги мени қувонтиради — ўзим шунга ўргатганман-да! Икки набирамнинг суҳбикларидан яйрайман. Дунёда болалар кулгусидан-да лаззатли завқ бормикан? Уйдаги «мактаб»дан ҳам ўзига хос сабоқ оламан. Бахтлиман! Шу бахтдан айирмасин!

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 240-мактаб директори, меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб келинаётган жонқуяр мураббийнинг табассум ила сўзлашидан қалбимизга нур ингандек бўлди. Ойхон Одилова тимсолида кўзларидан, сўзларидан зиё таратиб, атрофдагиларга қувват бергучи барча устозларга биз ҳам бош эгамиз. Энг эзгу тилакларимиз сизга, азиз руҳият муҳандислари — УСТОЗЛАР!

**Абадий бахт сари
йўлловчи устоз,
Билмаганим аён
айловчи устоз.
Қалбимдан жаҳолат
зангини ювиб,
Маърифат нурини
жойловчи устоз!
БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

**Санобар
ФАХРИДИНОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири. (1)**

СИЗНИ СОҒИНАМИЗ

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 13-мактабда ўттиз йилдан зиёд дарс берган Гулжаҳон Йўлдошевга ғойибона мактаб

Устоз! Ҳали-ҳали эсимда: деярли ҳамма ота-оналар фарзандини мактабимизга етаклаб келиб, «Илтимос, боламиз Гулжаҳон Йўлдошеванинг кўлида ўқисин», деб туриб оларди. Чунки сиз ўқитган ўғил-қизлар зукко, ақлли ва билимга иштиёқи баландлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

Билмайман, ўзингизга хос оҳанрабоғиз боринди ёки табиатан шундай туғилганмисиз, негадир каттаю кичик сизга талпинар, чин юракдан дардлашгиси келарди. Мактабимизда ҳар йили 8 март байрами арафасида ўтказиладиган анъанавий «Қизлар давраси»ни ҳаммамиз хўрсиниб эслаймиз.

Ҳозиргача аёллар гапириб юришади. Маҳалламизда қайси киз турмушга чиқадиган бўлса, яқинлари билан бирга сизнинг дуоларингизни олишга отларди. Кўп йиллар Оққўрғон МФИда хотин-қизлар кўмитаси раиси бўлиб ишлаган пайтингизда ҳам хонадонингиз ҳамisha гавжум бўларди. Қанча кўёвлар, келинлар ҳатто ўз ота-оналарининг гапларига кирмай аразлашиб юрганда, сиз бир оғиз самимий сўзингиз билан уларни яраштириб қўйганингизни ҳалигача кўплари эслаб кулиб юради.

Кеча дўғоналарим билан ҳисоблаб чиқдик, рўста-рўста, сиз кўп эмас, кам эмас, роппа-роппа ўттиз йил мактабимизда ташкил этилган «Қизлар давраси» сабоқларини биз каби катта ҳаёт остонасига қадам кўяётган балоғат ёшидагиларга ўргатган экансиз. Ишонасизми, ўшанда бизлар ҳатто ўз онамизга айтолмаган сир-асрорларимизни ҳам сиздан яширмадик. Шу қадар кўнглингиз кенг эканки, бирортамизга қаттиқ гапирмагансиз, қайтанга бизлар сизга кўп эркалиқлар қилганимиз учун энди хижолатдамиз. Шунинг учунми, ҳозир ҳам сизнинг сабоқларингиз кўп эслаймиз, сизни жуда соғинамиз.

Яқинда кекса кампирлардан қизик бир гапни эшитиб, яна сизга тан бердим: айтишларинча, маҳалламизда айнан сиз ўқитган қизларнинг (илоё, кўз тегмасин), бирортаси ота-онасининг юзини ерга қаратмабди — турмушидан ажралмаган, ёмонотлиққа чиқмаган экан.

Гулжаҳон опа, бугун сизнинг савобли ишларингизни шоғирдингиз Дилором Бобоев давом эттираётир. У киши баъзан сизни дарсларга қақриб туришини эшитиб, бошим осмонга етди. Ва бир ҳақиқатни яна англадим: Сиз каби тажрибали, бағри кенг, меҳрибон устозларнинг ҲАЁТ аталмиш улуғ сабоқларидан ҳар кун, ҳар лаҳза баҳраманд бўлсак арзир экан.

Устоз, мен сизни юзлаб оққўрғонлик шоғирдларингиз номидан 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кунин билан самимий табриқлайман. Умр йўлларингиз ҳамisha нурли бўлсин!

**Робинисо АШУРОВА,
«Оила ва жамият»
муҳбири.**

ПАЛАНДАРНИНГ БИРИНЧИ ОЛИМИ

Бу одам ҳар куни барвақт уйғониб, тезда ноушта қилади-да, қадрдон жамоаси томон ошиқади. Ишхонаси шундоққина уйнинг олдида бўлса-да, у ерга тезроқ етишга шошади. Хонасига кириб оппоқ халатини эгнига иладю, биринчи иши бемор болалар ҳали пишиллаб ухлаб ётган хоналарни бир-бир айланиб чиққачгина, кўнгли тинчийди. Сўнг улар учун тайёрланаётган эрталабки нонушани назорат қилгани ошхона томон юради. Атроф саришталиги, ходимларнинг ўз ишига масъулиятдан тортиб, ошпазлар ишидан ҳам кўнгли тўлғач, бош шифокор хузурига киради.

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Китоб туманидаги Паландара болалар сил касалликлари санаториясида ҳар бир навбатчи шифокорнинг оддийгина иш куни ана шундай бошланади. Жумладан, Хушвақт Турдиевнинг ҳам.

...Шифокор бўлиш — 1943 йилда Китоб туманидаги Офтобруё кишлоғида туғилиб ўсган Хушвақт аканинг болаликдаги орузи эди. Шу сабабли ўрта мактабни битиргач, Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, уни 1967 йилда муваффақиятли тугаллагач, ўзи таҳсил олган олий даргоҳда қолиб ишлаш таклифини рад этмади. Бу орада устозлари — тиббиёт фанлари доктори, профессор Латиф Турдиев, Маҳмуд Аҳмедовлардан каттагина иш тажрибасини ўрганди. Хушвақт Турдиев талабаларга тиббий илм бериб бориш билан бирга «Ингичка ичкада асаб системасини сезувчи нерв толаларининг пайдо бўлиши» мавзусидаги номзодлик ишини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Институтда ўқиб юрган кезларим илм билан бирга одамийлик сабоқларини ҳам устозим Хушвақт Турдиевдан ўрганганман, — дейди Шахрисабз ту-

ТИББИЁТ ФИДОЙИЛАРИ



манидаги 2-сонли шифохона бош шифокори Маҳмуд Муҳаммадиев. — Чунки шифокор учун энг муҳим ва шарафли вазифа кишилар билан бўлган самимий муносабатдир.

Самарқанд вилоят травматология шифохонаси бош врачси Мамаюсуф Салимов, Паландара болалар сил касалликлари санаторияси бош шифокори Зайниддин Каримов, тиббиёт фанлари доктори, профессор При-

муқул Назиров, Сурхондарё вилоят тиббиёт бирлашмасида хизмат қилаётган Усмон Жўраевлар ҳам бугунги лавҳамиз қаҳрамони Хушвақт Турдиевнинг шогирдлари саналади.

1990 йил туғилиб ўсган, қадрдон кишлоғига қайтиб келиб, ишни Паландара болалар сил касалликлари санаториясида давом эттираётган Хушвақт Турдиев оилада меҳрибон ота сифатида ўғил-қизларини ҳам ўқимишли қилиб тарбиялади. Турмуш ўртоғи Шарофат опа Турдиева билан уч нафар фарзандни вояга етказишди. Тўнғич ўғли Шухрат

— ота изидан бориб, Самарқанд шаҳридаги тиббиёт коллежида ёшларга сабоқ бермоқда. Шаҳноза ҳамшира, Шавкат эса ҳарбий.

— Паландара худудида биринчилардан бўлиб тиббиёт фанлари номзоди бўлган Хушвақт Турдиев бизларга худди отамиздек бўлиб қолган, — дейди санатория бош шифокори ўринбосари Елена Саломова. — Биз бу фидойи инсондан самимийлик, одамхунлик, кишиларга меҳрибонлик сифатларини ўргандик.

Дарҳақиқат, Хушвақт Турдиев ҳам касби, ҳам илми, ҳам тажрибаси билан ўз ҳамкасбларининг чуқур ҳурматига сазовор бўлган тажрибали шифокоргина эмас, балки бугунги кунда Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аввало ўзи меҳнат қилаётган шифохонада, шунингдек, кенг жамоатчилик орасида кенг тарғиб этаётган фаоллардан бири саналади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият»
муҳбири.

ДАРДИНГИЗНИ ЯШИРМАНГ!

— Кўз атрофиясини тузатиш мумкинми?

Абдугани, Тошкент

— Беморнинг кўриш қобилияти буткул йўқолмаган, реваскуляри жарроҳлик қилинади, яъни кўз томирига қўшимча томир қўйиш орқали кўриш қобилияти қисман тикланади (3–50 %гача). Бунинг учун бемор текширув натижалари билан келиб, биринчи кўрик: кўз босими, кўриш майдони, кўз туби, тўрпарданинг кўриш қобилияти текширувидан ўтиши лозим. Бемор истаса, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказида даволаниши мумкин.

Реваскуляризация — яллиғлашиш, некротик, склеротик жараён туфайли бузилган тўқима ёки абзонинг бирор қисмида томиларнинг тикланиши.

— Ёшим 74 да. Ярим йилдан бери кечаси-кундузи бўлишдан қатъий назар, оёғимнинг таги қизиб, тиззамдан пасти, болдилларим оғрийди. Шу пайтгача бошқа хасталиклар мени безовта қилмаган, ҳар йили санаторийларда дам олиб тураман. Бу ҳолатга изох берсангиз.

Гофир КАРИМОВ,
Қибрай

— Бемор шикоятлари неврологик, эндокринологик ёки қон томирлар нуқсонидан дарак беради. Қон томирларда тиқин бўлса, бу атеросклероз ёки томир қисилиши бўлиши мумкин. Буни аниқлаш учун қон томирлар жарроҳи кўригидан ўтиб, зарур бўлганда УТТ, ангиография ўтказилади. Томирларда қон айланиши бузилмаган бўлса, невропатолог ёки эндокринологга мурожаат қилинг.

Бу хасталик эндоартерит (оёқ артериялари девори яллиғлашиши) ёки қандли диабет асоратларидан бири бўлиши ҳам мумкин. Қоннинг қуолиш хусусиятларини белгилловчи анализлардан, қондаги қанд миқдори аниқланади. Текширув натижалари тайёр бўлгач, юқоридаги мутахассислар (эндокринолог ва қон томирлар жарроҳи)га мурожаат этинг.

Ушбу хасталикда халқ таъбабатидаги қуйидаги усуллардан фойдаланса ҳам бўлади: Битта лимон паррагини кечкурун оғрийётган оёқ мушакларига суртиб, ювиб ташламанг. Ёки битта хом тухум, 1 ош қошиқ сирка, 5 томчи йодни аралаштириб, кечкурун оёқ тагига малҳам қилинг. Даволаш курси бир ой.

— Чап оёғим тиззаси оғрийди. Шифокорнинг айтишича, ревматизмнинг бошланиши экан. Дўхтирлар шифохонада ётиш керак дейишди, керакли дорилар ёзиб беришди. Лекин муолажани олмадим. Уй шароитида даволанишим мумкинми?

Гулсара ҚУРБОНОВА,
43 ёш, Асака

— Шифокор тўғри тахшис қўйган ва буюрилган муолажаларни уй шароитида қилсангиз бўлади. Касалликнинг фаол босқичи бор-йўқлигини билиш учун ревмопроба топширинг. Кўрсаткич миқдори юқори чиқса, ўз туманингиздаги шифохонада муолажа олишингиз керак. Агар чап оёқ оғриги кучсиз бўлиб, текширув хавотирли чиқмаса, уй шароитида шифокор буюрган муолажаларни тўлиқ олишга ҳаракат қилинг. Бунда ҳамширанинг кўмаги зарур бўлади. Шифокор-терапевт Тохир ИБРАГИМОВ

ЗАМОНГА МОС ЎҚУВ МАСКАНИ

Қашқадарё вилояти Нишон қурилиш касб-ҳунар коллежи жамоаси ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрамини жаҳон андозаларига мос замонавий ўқув биносида қаршиламоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида капитал реконструкция қилиниб, қўшимча бинолар қурилган ушбу илм даргоҳида бугун 435 нафар ўқувчи саккиз йўналиш бўйича таълим-тарбия олаёпти. Кенг, шинам синфхоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Хусусан, Кореядан келтирилган ўқув-лаборатория жиҳозлари бугунги замонавий ёшлар учун жуда мослиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Ўқув устахоналарида катта ҳаёт тажрибасига эга, касб маҳорати юқори ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари келажагимиз эгаларига сабоқ беришмоқда.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида амалга ошираётган барча ишларимиз аввало ёш авлоднинг пухта билим олиб, келажақда малакали мутахассислар бўлиб етишишига қаратилган, — дейди коллеж директори Баҳодир Норчаев.



НИШОН ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

ёш авлоднинг нурли истиқболи йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган барча таълим ходимларини ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан чин дилдан қутлайди!



ЎҚИТУВЧИ — ЯРАТУВЧИ

Таълимга эътибор — келажакка эътибор. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда мазкур масалага алоҳида аҳамият берилади, ҳар йили ялпи ички даромаднинг 10-12 фоизи шу мақсадларга йўналтирилмоқда. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган Шўрчи тумани халқ таълими ходимлари ҳам кейинги йилларда бир қатор ютуқларни қўлга киритаётди.

Туман халқ таълими бўлими муdiri Илҳом Раҳимовнинг таъкидлашича, айти пайтда Шўрчидаги 59 та умумий ўрта таълим мактабида 33 минг нафарга яқин, 34 та мактабгача таълим муассасасида 2012 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда, уларга 4000 нафарга яқин устоз-мураббий сабоқ бераёпти. Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган 59-мактабнинг янги биноси Совжирон қишлоғи фарзандлари учун «Баркамол авлод йили»даги ўзига хос совға бўлди. Бугун бундай замонавий илм масканларини туманнинг деярли ҳар бир қишлоғида кўриш мумкин. Жаҳон стандартларидаги ўқув даргоҳларида ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олишлари учун тўқис шароитлар яратилган. Том маънода баркамол авлод номига муносиб бўлиш учун ёшларимиз ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлиш лозим.

Шу боис Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан тумандаги 4 та мактабда замонавий спорт зали ва битта мактабда 5-ТИП спорт мажмуаси барпо этилиб, спорт анжомлари билан таъминланди.

Ўқувчиларнинг пухта билим ва малакага эга бўлишлари кўп жиҳатдан ўқитувчилар меҳнатига боғлиқ. Шўрчида ўз касбига муносиб устозлар талайгина. Туман халқ таълими тизимида фаолият юритаётган бир қатор фидойи устоз-мураббийлар Юртбошимиз фармонига биноан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони ва «Шўхрат» медали сингари юксак эътирофларга сазовор бўлган барча ҳамкасбларига фахру ифтихор бағишлайди ва уларни юксак марафатлари сари ундайди.

Ўқитувчиларнинг меҳнати самараси ўлароқ 5-мактабнинг волейболчи қизлар жамоаси мусобақаларда иштирок этиб, вилоят миқёсида биринчи ўринни қўлга киритди. Шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Файзулло Нарзуллаев эса «Янги авлод—2010» фестивалининг республика босқичида қатнашиб, гран-при совриндори

лоят миқёсида биринчи ўринни қўлга киритди. Шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Файзулло Нарзуллаев эса «Янги авлод—2010» фестивалининг республика босқичида қатнашиб, гран-при совриндори

бўлди.

Тумандаги 3-умумий ўрта таълим мактаби нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ҳар жабҳада пешқадам илм масканларидан бири саналади. Бу ерда 1217 нафар ўқувчига 80 нафар малакали ўқитувчилар таълим-тарбия беришяпти.

— Улардан бири Дилбар Қодирова 35 йилдан буён кимё фанидан сабоқ бериб келмоқда, — дейди мактаб директори Гулбахор Алимардонова. — У дарс ўтишда илгор педагогик усуллардан унумли фойдаланади. Мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Манзура Назарова ҳам ҳар бир дарсни кўргазмали қурул асосида олиб боргани боис шу дарсдан аъло баҳога ўқиётган ўқувчилар кўпчиликини ташкил этади.

Ўқитувчини боғбонга менгайдилар. У нозик ниҳолларни экиб парваришлайди, авайлаб ўстиради. Пайти келиб, ўзи эккан дарахлар ҳосилини қўриб қувонади. Шу боис ҳам ўқитувчини том маънода яратувчи дейдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири,
Сурхондарё вилояти.

Суратларда: 3-умумий ўрта таълим мактаби фаолиятидан лавҳалар.

*Меҳр нури ёғар доим
Юзингиздан устозлар.
Юрсам дейман шу табаррук
Изингиздан устозлар!*

Ушбу халқона қўшиқда мадҳ этилган устоз ва мураббийларни

Самарқанд вилояти

Пахтачи туманидаги Султонобод қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган

“ҚОРА МУСТАНГ”

**хусусий фирмаси
жамоаси**

касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!

Энг масъулиятли ва ва ғоятда шарафли меҳнатингиз роҳатини кўриб юриш ҳар бирингизга насиб этишини Яратгандан тилаб қоламиз.

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
МУХТАРАМ УСТОЗЛАР!**

МАШХУРЛАРНИ ЎРГАНАМИЗ

ШЕКСПИР АСАРЛАРИНИНГ СИРИ

Шекспир асарлари тўрт юз йилдирки дунё сахналаридан тушмай келаяпти. Драматургнинг шох асарлари — «Отелло», «Ҳамлет», «Қирол Лир» ўзбек сахнасида ҳам кўп бора кўйилган. Шу ўринда ўз ўзидан Шекспир асарлари муваффақиятининг сири нимада, деган ҳақли савол туғилади.

Биргина «Қирол Лир»ни олайлик. Ахир, қирол ва унинг қизлари тўғрисида кимлар эзмаган, дейсиз. Аммо Шекспирнинг дохиёно каламида сайқал топган асаргина шўхрат қозонди ва бугун ҳам ўша довуғи билан яшашда давом этмоқда. Аслида, бу ҳақдаги афсона Британия халқларининг энг қадимий халқ оғзаки ижодиға мансуб бўлиб, уни илк бор Жеффри Монмут «Британия тарихи» (1135) асарига эзиб қолдирган, 1200-йилларда эса инглиз шоири Лайамон «Брут» дostonида келтирган. Кейинчалик асарлар давомида турли инглиз шоир, ёзувчи ва тарихчилари афсонага қайта-қайта муржоат этган.

Шекспир маслакдошларидан бири 1594 йили Лир ҳақида пьеса ёзган, у ўша йили апрель ойидаёқ сахнага қўйилган ва китоб соувчилар рўйхатидан ҳам ўтказилган.

Бироқ пьесанинг нашр қилинган-қилинмагани номаълум, бизгача бирорта ҳам нусхаси етиб келмаган. 1605 йили «Лир ва уч қизининг фожеали тарихи» асари яна рўйхатдан ўтказилди ва шу йили «Қирол Лир ва уч қизи — Гонорилла, Регина ва Корделла тарихининг асли хроникаси» сарлавҳаси остида босилди. Муаллифи номаълум пьесанинг матни бизгача сақланган ва у билан Шекспир «Қирол Лир»ини муқояса қилиш имкони бор.

Шекспир ушбу трагедияси икки мартаба босилиб, ҳар икки нусха бизгача етиб келган. Биринчиси 1608 йили «Мистер Вильям Шекспир. «Қирол Лирнинг ҳаёти ва ўлимнинг тарихи ва унинг уч қизи...» тарзидаги узундан узоқ сарлавҳа остида нашр этилиб, 1619 йили айни шу нашр такрор чоп этилади. Трагедиянинг асл нусхаси эса 1623 йили босиб чиқарилган. Иккала матн муқоясасидан маълум бўладики, биринчи нашр драматург ва театрнинг ихтиёрсиз чоп этилган бўлса керак: хатolikлар, ғализликлар жуда кўп.

Шекспир Қирол Лир ҳақидаги трагедиясини яратар экан, қайси манбалардан фойдаланди, деган масала устида олимлар кўп бош қотиришган. Маълум бўлишича, драматург асар мазмунининг асосий йўналишида маслакдошининг пьесасидан, баъзи ўринларда эса Холлинshed «Хроника»сидан, Спенсернинг «Парилар қиролчилиси» поэмасидан, Глостер ва унинг ўғиллари тарихида эса Сиднейнинг «Аркадия» романидан фойдаланган экан. Гап кимдан, қайси асрдан қайси эпизодни олганлигида эмас, балки асарлар давомида сахнадан тушмай, кишиларни ҳалигача ҳаяжонга солиб келаётган асар яратилишида эди.

«Қирол Лир» трагедияси «Ҳамлет» ва «Отелло» асарлари билан бирга, Шекспир ижодининг энг олий чўққиси саналади. Ижодкорнинг ижодий жасурлиги бирорта трагедиясида ҳам «Қирол Лир»даги каби ифодаланмаган.

Шекспирдан аввал ёзилган асарларда асосан оила фожиясини тасвирлашга эътибор қаратилган бўлса, буюк драматург яратган трагедия икки бўлимга бўлинган жамият, ижтимоий муносабатлар, инсоннинг асл моҳияти, унинг ҳаётда тутган ўрни ва жамиятдаги қадри ҳақидаги чуқур фалсафий асар эди. Шу боис ҳам у фақат бир даврга тааллуқли эмас, балки умуминсоний ва умрбоқий аҳамиятга эга бўлди.

Наима КАРИМОВА,
Тошкент банк коллежи
ўқитувчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Синф тахтасига масала, мисолларни ёзarkan, бўрни "тақ-тақ" уриб дарсни тушунтирарди. Ана шу овоз негадир юрагимга ўзгача ҳаяжон соларди. Устозга ҳавасим келиб, махлиё бўлиб тикилиб қолсам, менга ўгирилиб, "Ҳа, қизим, нега қараб қолдинг?" дердилар. "Узим, шундай", деб жавоб берардим-у, танаффус пайтида устоз ёзган мисоллар устига бўр билан "тақ-тақ" уриб қайта ёза бошлардим. Кейин билсам, Мухаррам опа ўзларнинг билими, юрши-туриши, ички маданияти ва юксак салоҳияти билан юрагимда ўқитувчи бўлишга ҳавас солган эканлар. Устозимни ҳамиша эҳтиром билан эсга оламан.

— Халқимизда "Устоз отангдек улуг" деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаган. Бугун сизга нисбатан ҳам жуда кўплаб шогирдларингиз қалбда ана шундай эзгу ва унутилмас самимий эҳтиром бор. Уларни мактабингизга қабул қилган кунингиздан ўз фарзандингиз қаторида кўриб, меҳр бериб, келажаги, тақдири ҳақида куюнчақлик билан қайғура бошлайсиз. Айтинг-чи, ўзингиз кутмаган жойда шогирдларингиздан бирортасини кўриб қолганингизда чин дилдан қувониб кетганингизми?

— Эллик йиллик ўқитувчилик фаолиятимнинг 27 йили Юнусободдаги 273-мактабда ўтди. Бу давр мобайнида жуда кўп ўқувчиларни катта ҳаётга кузатдик. Бугун шогирдларимнинг етти нафари Юнусобод туманидаги мактабларга раҳбарлик қилишяпти. Уларнинг ибратли ишларини кўриб, ич-ичимдан фахр туяман. Собик ўқувчиларим орасида туман ҳокимлари бор. Гап лавозимда ҳам эмас, уларнинг ҳар бири эгаллаган соҳасининг, ўзи танлаган йўналиш ва фаннинг куюнчақ, фидойи мутахассислари ҳисобланади. Тикувчилик ательесига кирсам, раҳбари кўли кўксига мени кутиб олади. "Опа, мен сизнинг ўқувчингизман, бир пайтлар паст баҳога ўқийсан, деб бизни четга сурмай, хунар ўрганишга йўналтирддингиз, мана, ишлаяпман", дейди кулиб. Техник устозлар, рассом-дизайнерлар бор собик ўқувчиларим орасида. Ҳаммаси ўз ишини топган. Бир сафар нуфузли шифохонага саломатлигимни текширтириш учун бордим. Навбат кутиб ўтирибман. Бир пайт лорга учрашим, деб қолишди. Шундоқ эшикдан киришимни биламан, шифокор сакраб ўридан туриб кетса бўладими. "Ие, ие, келинг устоз, — деди у кўлини кўксига қўйиб. — Узр, фамилиянгизни ўқиб, мактабимизнинг директори билан бир хил экан, деб ўтирибман... Чиқиб кутиб олмаганим учун узр..." Билсам, у шу даргоҳда бўлим мудир бўлиб ишлаётган экан. Хурсанд бўлдим. Ҳар сафар мактабимизни битириб кетган ўқувчиларнинг ютуқларини эшитганимда кўнглим кўтарилди...

— Мавлуда опа, мустақиллик йиллари арафасида мамлакатимиз таълим тизимида биринчилардан бўлиб, ҳали ҳеч ким қўлламаган тажрибани амалга оширишингизга нималар туртки бўлган эди?

— 1989 йилда биз ўзига хос услубда ишлаб кўришга қарор қилдик. Ўша кезлари 9-синфни битираётган болалар орасидан фанларга унчалик қизиқиши бўлмаганлари СПТУларга юбориларди. У ердagi таълим тизими ота-оналарни қониқтирмас, интизом яхшимаслиги,

болаларнинг вақти беҳуда кетиши ҳақида кўп гапириларди. Ота-оналар боласини ана шундай жойларга юбормаслик учун астойдил ҳаракат қилишарди. Ўқувчиларим учун нима қилсам яхши бўларкан, деган ўй менга тинчлик бермай қўйди. Кейин тажриба тариқасида болаларни билим юрти билан ҳамкорликда ўқитишга қарор қилдим. Собир Раҳимов туманидаги 25-СПТУга бориб, директорига учрашиб, фикримни айтганимда, у ҳайрон бўлиб қолди. Чунки унча мактаб ва улар орасида бунақа ҳодиса бўлмаган эди-да. Сиз билан қандай шартнома тузасиз, деди директор. Болаларни ҳар тарафлама ҳимоя қилишимиз керак, уларнинг ҳаммаси алоҳида шахс, шу боис улар мактабда тўрт кунлик дарс ўтишса, сиз эса бу ёқда амалиётни яхши ўтказиб берсангиз бўлди, дедим. Директор мени тушунди. Сўнг ота-оналар мажлисини чақирдик. Бободехон ва Мустақиллик маҳаллаларидан 500 нафар ота-она йиғилди. Мактаб тўлиб кетган. Тўққи-

Мавлуда ИСМАТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони:

УСТОЗЛИК ҲАР КИМГА НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИГАН БАХТ

зинчи синфни битираётган, 3 баҳога ўқийдиган болалар автослесар, тикувчи, пардозловчи бўлса, хунар ўрганса, ёмонми, дедим. Ҳамма ҳам ўтирибди. "Тушунинглар, мен

Мавлуда Исматова 1995 йилда "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси", 1999 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Мактаб таълимида эскича услубдан воз кечи-б, янги таълим услубини жорий этган Мавлуда Исма-това раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳридаги 273-мактабда 1989–95 йилларда турли институтларнинг 34 нафардан зиёд ўқитувчилари ўқувчиларга сабоқ беришган. Мазкур мактабни битирган ўқувчилар орасидан бугунги кунда 503 на-фар олий маълумотли шифокор, 18 нафар ҳуқуқшунос, юз-дан ортик ўқитувчилар етишиб чиққан. Уларнинг ҳаммаси ўзлари танлаган соҳаларда муваффақият билан фаолият кўрсатишмоқда.

тутларга топширган йигит-қизларнинг 37 фоизи ТошМИга ўқишга кирди. Бу ўшанда, эсланг, жуда катта кўрсаткич эди. Мен бу ишни янада кенгайтиришни ўйладим. Аҳроржон билан маслаҳатлашиб, ўқувчилар орасидан иқтидорлиларини тўплаб олишга ва махсус Тош-МИ гуруҳини тузишга қарор қилдим. Ўйлаб, режалаштирган ишларимни уларга тушунтирдим. Кейин яна ота-оналар йиғилишини ўтказдик. Тўрт-

ИФТИХОР

— Шунча йиллик фидойи меҳнатингиз туфайли бугун ҳам қаҳрамон, ҳам устоз сифатида давралар тўрида сиз. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ана шу сермашаққат соҳани танлаганлар учун ўз тимсолин-гизда ўқитувчиликнинг шунчаки оддий касб эмаслигини, унинг ор-

беш баҳоларга ўқийдиган ўқувчилари-ми орасидан шифокор, ўқитувчи, юрист, фармацевт бўлиш истагида юр-ганларни йиғиб алоҳида гуруҳ туздик.

Тиббиёт йўналиши-даги гуруҳда ким ё

тида фарзандларимизнинг нурли тақдирига масъуллик ва жавобгар-лик ётганини исботлаб бердингиз.

— Устозлик макомига эришиш ҳар кимга насиб этавермайдиган бахт. Ўқитувчилик, биласиз, игна билан кудук қазишга ўхшаган иш. Бизнинг соҳада айнан истиқлол йилларига келибгина жуда катта ислохотлар амал-га оширилди, Президентимиз раҳна-молигида махсус дастурлар фармон ва қарорлар қабул қилинди. Энди қаерга борманг, пойтахт-ку майли, мамлакатимизнинг барча худудла-рида, олис қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий мактаблар қури-ди, уларда яратилган шарт-шароитларни кўриб кўзлар қувонади. Ва беихтиёр ўзи-мизнинг ёшлик йилларимиз эсимизга тушади. Бугунги кун авлодларига чин дилдан ҳавасимиз келади ва уларга ана шундай дориломон кун-лар, улуг истиқлолимизнинг кадрига етмоқ лозимлигини қайта-қайта ўқтираман.

— Мавлуда опа, ҳам-касбларингиз ва шу соҳа вакилларига байрам ти-лақларингизни ҳам ихроқ этсангиз.

— Сизу биз билан замон-дош, ёнма-ён, елкама-елка яшаётган, келажаги буюк Ва-танимизнинг равнақи, тарақ-қиёти йўлида иқтидор ва са-лоҳиятини аямай, фарзанд-ларимизга таълим-тарбия бе-

ҳам мана шу болаларни, уларнинг ке-лажagini ўйлаб қуйиб-пишиб юрибман. Тагин кўнгиларингизга келмасин, улар-ни ҳеч қандай СПТУга бериб юбормай-ман. Ҳафтада тўрт кун шу ерда ўқийди. Ҳаммасини ўзим назорат қиламан. Икки кун амалиёт ўтагани боришади", деган-имдан сўнггина кўпчилик фикримни маъқуллади. Шундай қилиб, хунарга иқтидорли ўқувчиларни ажратиб, ало-ҳида гуруҳини ташкил этдик.

— Яна бир ибратли ташаббусин-гиз ҳақида ҳалигача кўпчилик га-пириб юради. Мактаблар орасида биринчилардан бўлиб, институтлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган, маълум фанлардан кучайтирилган синфларни ташкил этган ҳам ўзин-гиз эдингиз-ку?

— Мактабимизга кимё фанидан дарс берадиган Аҳроржон Тўлаганов деган тажрибали йигит ишга келди. У шунақа янгиликка ўч, тиришқоқ эдики, тез ора-да ўқувчиларни ўз фанига жалб эта олди. Натижада, мактабимиздан инсти-

ва биология икки соат эмас, ҳафтасига етти соат ўттиладиган бўлди. Янги Тош-МИ, Педиатрия институти, ТошДУ(ҳи-зирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик фа-кулъетети, Пединститут ва Автомобил йўллари институти билан боғландим. Шундан сўнг ТошДУдан ҳуқуқ ва тарих, ТошМИдан биология ўқитувчисини так-лиф этдим. Шундай қилиб, 1989–95 йиллари мактабимизда турли институт-ларнинг 34 нафар ўқитувчиси: фан док-торлари, профессорлар, доцентлар дарс беришди. Улар ўқувчиларга дарс ўтиш билан бирга, ўқувчилардан имти-хон олишар, шу асосда гуруҳлар таш-кил этардик.

Бугун ўша йилларни эслаб чуқур ўйга толаман ва оддий бир ҳақиқатга тан бераман, тасаввур қилинг, агар энг аввало Президентимиз, ҳукуматимиз таълим соҳасига, баркамол авлод тар-биясига давлат даражасида жиддий эътибор қаратмаганида, мен каби бир оддий ўқитувчининг бошлаган иши бун-чалик натижа бермасди.

ришда фидойилик намуналарини кўрса-тиб ишлаётган устоз ва мураббийлар-ни чин юракдан ушбу умумхалқ байра-ми билан табриқлайман. Бизлар энг бахтли одамларимиз. Бахтимиз шунда-ки, эл-юрт равнақи йўлида қўлаётган зарардек ишимизни ҳам Юртбошимиз, ҳукуматимиз ҳар томонлама астойдил қўллаб-қувватламоқда, рағбатлантир-моқда. Шундай экан, ҳар бир кунимиз, керак бўлса дақиқамизни ҳам беҳуда сарфламайлик, хайрли ишларга бош-қош бўлайлик. Онам раҳматли: "Қизим, бир ишни бошладингми, астойдил, чин кўнглидан адо эт, ҳеч қачон қўл учиди, енгил-елли қилмагин. Фақат бир нар-сани эсингдан чиқарма, одам меҳнат-дан ўлмаган. Агар ишни енгсанг, элда азиз бўласан", дердилар. Мен нафақат ҳамкасбларимнинг, балки барча юрт-дошларимнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида қўлаётган ишларида голиб бўлишларини чин кўнглидан тилайман.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА
суббатлашди.



«МОНАДА-АМОН»

МЧЖнинг неврология шифохонасида юқори технологияли тиббиёт аппаратлари ёрдамида беморларга тўғри ташхис қўйилиб, самарали даволанилади.

Швейцарияда ишлаб чиқарилган «Swiss DolorClast» аппарати ёрдамида зарбали-тўлқинли терапия (ЭУВТ) ўтказилади. Бу даволаш усули остеохондроз, диск чурралари, сколиоз, остеоартроз, мушак ва пайларни тортиб оғриши каби касалликларда ўта самарали бўлиб, бўйин, елка, қўл, бел, оёқ бўғимларидаги қотиб қолган пайлар, тузларни юмшатиб, сўрилиб кетишига, ўрнига янги тўқималар пайдо бўлишига замин яратади.

Шунингдек, компьютерлашган лазеротерапия аппаратида бир вақтингда ўзида лазер нури билан лазеротерапия ва лазерли рефлексотерапия муолажалари муҳасамлашган ҳолда олиб борилади.

Бундан ташқари, компьютерлашган аппаратда умуртқаларни чўзиш, ультрафонофарез, карипазин билан электрофарез муолажалари, нуктали ўқалаш, нина санчи даволаш ва бошқа физиотерапевтик муолажалар юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шифохонада уч ўлчамли УЗИ аппаратида ички аъзоларни УЗИ қилиш, юрак УЗИси, компьютерлашган ЭКГ, электромиография текширувлари, шунингдек, ҳамма лаборатория таҳлилларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Шифохонада ётиб ва қатнаб даволаниш учун барча шароитларга эга бўлган стационар мавжуд.

Тел.: (+99897) 119-32-10, (+99897) 338-35-15

Факс: 8 (371) 283-40-35

Электрон почта: monada-amon@mail.ru

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаева кўчаси, 52-уй.

Мўлжал: Фарғона йўли кўчаси «Ўзбум» бекати.

«ЎКТАМХОН-НУР»

ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.

Тиббий массаж — 2 ой (амалиёт билан). Нуктали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар — 2 ой (амалиёт билан).

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйгурча таомлар ва салатлар — 1 ой (амалиёт билан).

Аёллар сартарошлиги — 3 ой (амалиёт билан).

Педикюр, маникюр — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 3 ой (амалиёт билан).

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.

Элита парда ва чойшаблар олий курси — 1 ой (амалиёт билан).

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун, амалий).

Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).

Тўқувчилик — 2 ой.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий ракс — 3 ой.

Ўқишга қабул ҳар куни

■ Машгулотлар амалиёт билан бирга олиб борилади. ■ Ётоқхона мавжуд. Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел.: 221-17-95, 221-77-72 (кундузи), 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Ўқитувчилар сулоласининг айна вақтдаги сардори, фидойи устоз зоминлик Яхшилик отани кўп сонли шогирдлари ва издошлари бўлган фарзандлари, набиралари номидан Фазлиддин, Муҳаммадбобир, Муҳлисaxon, Илҳомжон ва Гуломжонлар табриклаб, отага омонлик, шогирдлар бахту камолини кўп йиллар кўриб юриш насиб этишини тилайдилар.



Тошкент вилояти Бекобод шаҳри. Примкуловлар оиласи.

Қадрли устозимиз Қахрамон ака Рустамов!

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сиз раҳбарлик қилаётган «Қахрамон Рустамов» фермер хўжалиги ҳам юртимиз иқтисодини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бирин-кетин эришаётган ютуқларингиздан биз шогирдларингиз, дўстларингиз, қолаверса, жамоангиз фахрланиб, келгусидаги ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Шогирдларингиз Эркинжон, Гавҳарали, Жўшқинбек ҳамда дўстингиз Умрқул Бекобод тумани Хос қишлоғи.



Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида жойлашган қурилиш ва миллий хунар, касб-хунар коллежини 30.06.04 йилда тугатган Пулатова Камола Абдумажитовнага берилган №198 к № 057957 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Москвадаги Халқаро Абу Али ибн Сино академиясининг магистри табиб ХУРСАНД АЛИ


табобат хизматини таклиф этади:

- Ошқозон-ичак, ўт пуфаги, қораталоқ касалликлари;
- Бепушглик, жинсий аъзолар шомоллаши; буйрак ва тухумдон кисталари, простата бези шомоллаши;
- Буйракдаги тошларни тушириш;
- Гижжа, лямблялар ариб, теридаги оқ доғлар(ветелиго) ва ажинлар кетади;
- Умуртқа чурраси, бел ва оёқ оғриги, бод, артрит, полларит, бўйин ва елкада, тиззала туз йингилиши сингари хасталиклар;
- Юрак, қон-томир хасталиклари, қон босими, инсултдан кейинги тикланиш даври ва асаб касалликлари;
- Буқоқ касаллигининг ҳар қандай тури Шарқ табобати усулида гиёҳлар билан даволанади.

Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул (Бектемир) кўргони.

Телефон: (+99897)156-57-31. Лицензия № 95

Табиблар реестрида 2092-рақам билан қайд қилинган.



Хурматли
Токарева Ирина
Александровна!

Сизни 1 октябрь — устоз ва мураббийлар куни билан қутлайман. Машаққатли ва шарафли касбингизда омад ва муваффақият, шахсий ҳаётингизда бахт ва соғлиқ доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

Гузэля Бекбулатова,
Юнусобод туманидаги
259-мактаб ўқувчиси.



Шогирдларингиз Нигинахон, Сайдинисохон ҳамда фарзандларингиз Дилмуҳаммад, Сироҳиддин.

Азиз ва муҳтарама дилбандим
Дилафрузхон!

Сени ва Тошкент шаҳридаги 63-ўрта умумтаълим мактабидаги барча ҳамкасбларингни Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Бахту камолингни кўриш бизларга насиб этсин.

Дадажонинг
Сотволди МИРЗА.




Қадрли Қосимжон ака Усмонов!

Сизни 6 октябрь — таваллуд айёмингиз ҳамда «олтин» тўйларингиз муносабати билан самимий табриклайман. Умр йўлларингиз файзли ва нурафшон бўлмоғини Оллоҳдан сўрайман.

Эҳтиром билан

С. МИРЗАЕВ,
Халқаро йўналишларда юк ташиш
автожамланмаси бош директори



Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Тошимов Мансур Маматмўминович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Мавлонов Аббор Азаматович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Қодиров Ражаб Юнус ўғли номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕСКАРИ ТОВОН АЁЛ

Хитойлик бир аёл ўзига давлат томонидан белгиланган ногиронлик нафақасидан воз кечди. Хўш, нима бўпти дерсиз? Ахир давлатнинг нақд пулини олиб яшаш яхши, қолаверса, ногирон тузалса, бундай нафақа ўз-ўзидан берилмай ҳам кўяди. Аммо бу аёл чиндан ҳам ногирон. Қолаверса, унинг дарди бедаво ҳамдир. Гап шундаки, чуңинлик Ванг Фанг исми 27 ёшли бу хоним... туғма тескари товонлидир. Аниқроқ тушунтирсак, унинг товони олдинда, оёқ бармоқлари эса орқада жойлашган. Бу аёл туғилганидан буён пайпоғини ҳам, поябазалини ҳам тумшук қисмини орқага қилиб кийишга мажбур. Аммо шунга қарамай, Ванг Фанг ўзининг бундай нотабиийлигига аллақачон кўникиб бўлган. У муаммоларини ўзи мустақил хал этишга ўрганган.

— Мен қанақасига ногирон бўлай, — дейди у. — Ўзим оилавий ресторанда официантка бўлиб ишлайман. Оёғим панжаси тескари бўлгани учун кўшимча ҳақ ҳам олмайман. Қолаверса, мен нафақат юраман, балки бошқалардан кўра тезроқ югура ҳам оламан-ку!

Ванг Фангнинг бу гапида жон бор. Чунки омикролик яна бир йигитнинг ҳам товонлари олдга қараган. Аммо йигитча баскетбол жамоасида ўйнаган. «Баскетболда унга етадигани йўқ. У югураётганда фақат товони билан ҳаракатланади. Бу пайтда у ортидаги оёқ панжаларини юқорига кўтариб олади. Ишонасизми, ўшанда у югургандан кўра майдон бўйлаб учаёт-

гандек тез ҳаракат қилади», дейди у ҳақда жамоадошлари.

Демак, Ванг Фангнинг ҳам бекорга оёғи қаққон эмас экан-да! Қолаверса, Ванг дунёга келганда шифокорлар уни ҳатто қадам ҳам босолмайди, деб ҳисоблашган.

«Ҳозир менинг беш яшар ўғлим бор, — дейди Ванг Фанг. — Оддий одамлардан фаркли жойим йўқ. Фақат ботинкамнинг ортини олдга қилиб кияман, холос!»

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

ТАБИАТНИНГ ТЕРС «НАЙРАНГЛАРИ»

Гарчи Ванг ўзини ҳамма қатори ҳисоблашда давом этса-да, кўпчилик барибир унинг бу жисмоний камчилигини ҳазм қилолмайди. «Балки унинг оёғи тўғри-ю, аксинча танаси тескари жойлашгандир?» дейди биров. «Йўқ,



унинг товони тепага қараган бўлиши керак. Йўқса бундай юролмасди», дейди бошқалар. Шунингдек, «Вангнинг ботинка-

си боғичини ким боғлаб кўярдикан? Ёки у буни бажариш учун тиззалаб ўтириб, орқага эгилармикин?» деб қизиқувчилар ҳам бор. Айримлар эса Ванг Фангнинг қўли ҳам бемалол орқага қараб қайрилса керак, деб гумон қилмоқда. «Менинг ўғлим бор-йўғи ясси товон бўлиб туғилган, — дейди Келли Уорт деган бир аёл. — Врачлар бола бир ёшлигида унинг бу камчилигини жарроҳлик йўли билан тўғирлашди ҳам. Аммо у ҳозирга қақдар ҳам ўзини ноқулай ҳис қилади. Ҳамма қатори юриб,

чанлигини болалик пайтидаёқ пайқаб қолган. Шундан буён ўзини истаган томонга айлантира (бурилиш эмас!) оладиган бўлди. Мозес анчагача ўзини ягона буралувчан одам деб ҳисобларди. Аммо бундай бўлмади. Унинг ўн уч яшар ўғли отасидан ҳам ўтиб тушди. У нафақат товони, тиззасини ҳам орқага бура олади.

МЕН ҲАМ ҚОЛИШМАЙМАН!

Ҳиндистонлик Биту Ганди деган 16 ёшли йигитча ҳам Гинеснинг рекордлар китобиغا

югуришдан қийналади. Балки шунинг учундир, унинг феъл-атвори ҳам яхши эмас. Ванг Фангнинг аҳолини-ку тасаввур этиш ҳам оғирдир».

Бошқалар фикрича эса, Ванг — ҳақиқий қахрамон. Унга ҳавас қилса арзийди.

**ИСТАЛГАНЧА
БУРАЛАМАН!**

Ҳамма қатори оддий, аммо танасини ўз хоҳишига кўра истаган томонга бурай оладиган одамлар ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Масалан, Мозес Лэнхем шундайлардан биридир. У хоҳлаган пайтда товонини олдинга айлантира олади, яъни уни 180 градусга буради. Ва бунда ҳеч қандай оғриқ ҳис этмайди.

Мозес ўзининг бу буралув-

киришга даъвогарлардан бири ҳисобланади. У сочини тескарига айлан-тириб, шу ҳолатда 300 метргача масофа боса олади. Қизик, бу унинг узлуксиз машқлар туфайли ўзлаштирган иқтидорими ёки туғма қобилияти? Битунинг гапига кўра у бундай юришни бир йилдан ортиқ ўрганган. Уни бунга бошлаган нарса эса шоншухратга эришиш бўлган, холос.

ТИЗЗА БИЛАН ОРҚАГА

Оёқлар нафақат тўпиқ, балки тиззадан ҳам тескарига қараб

СИНОАТЛИ ДУНЁ

ривожланган бўлиши мумкин экан. Бунга Элла Харпес деган кизни мисол қилиб келтирса бўлади. Болалигида уни тенгқурлари «туяқиз», деб мазах қилиб келишган. Чунки у кўпроқ тескари қараган тиззаларини букиб, тўрт оёқлаб юришни маъқул қўрган экан.

Манбаларга кўра Элла Харпер Американинг Теннесси штатида 1873 йилда дунёга келган. Элла нима сабабдан тиззаси тескари қараган ва оёғи олдинга ҳам букиладиган бўлиб туғилгани ҳеч кимга маълум эмас. Аммо ҳозирги тиббиёт тилида кўпчилик шифокорлар Элланинг бундай тузилишини «тиззанинг туғма деформацияси» деб баҳолашмоқда. 1886 йилда Элла цирк юлдузига айланади. У тўрт йилдан ортиқ вақт давомида тўрт оёқлаб, тиззаси тепага қараган ҳолда туяни етаклаб, одамларга томоша бўларди. Элла цирк труппаси билан қайси шаҳарга бормасин, ўша ернинг маҳаллий газеталари «одамзотнинг энг гаройиб нусхаси — шаҳримизда!» деб бонг урарди.

Аммо шоу-бизнес шўрлик қизачанинг бутунлай силасини кўриган чоғи, у ўзига бошқа машғулот топишга ҳаракат қилади.

1886 йилдан кейин «туя киз» ҳақида ҳеч қандай маълумот топилмайди.

Дилфуза ҲУРОЛ қизи



ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ВИЛОЯТ ЎРТА-МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАЛАРИ

Ёш авлодни юксак тафаккур эгалари сифатида руҳан баркамол, жисман бақувват қилиб тарбиялашдек энг эзгу ва шарафли вазифани сиз қидилдан адо этаётган юртимиз ўқитувчи ва мураббийларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!

Мустақил Ватанимизнинг нурли келажаги эгаларини маънавиятли, етук, оқил, соғлом ва албатта бахтли, саодатли бўлмоғи йўлидаги самарали меҳнатингиз роҳатини кўрмоқ барчангизга насиб этсин, мухтарам устозлар!



ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСИНГ...

BAXT OSTOPASI

Статистик маълумотларга кўра, йил бошидан буён Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида 500 га яқин янги оила ФХДЁ бўлимидан расман рўйхатдан ўтказилган.

— Албатта, тўй ва никоҳ маросимлари энг хайрли иш. Яхши ниятлар билан бахт оstonасидан ҳатлаётган келин-куёвларга, қолаверса, қудачилик — мингйилчилик ришталарини боғлаётган хонадонларга чин дилдан кексаю ёш, ҳамма оқ йўл тилайди, — дейди биз билан суҳбатда Бекобод шаҳар ФХДЁ бўлими мудири Малика Шарипова. — Минг афсуски, шу билан бирга фақат шу йилнинг ўзида оилалар орасидан йигирмадан ортиғи кўп вақт ўтмасдан ажрашиш учун ариза берди...

Ўйлаб қоласан киши. Нега энди умид билан бир ёстиққа бош қўйган ёшлар ажралишга қарор қилди? Бунинг сабаблари нимада?

— Энг ёмони, уларнинг ақсариятига қариндош-уруғлар ўртасида қурилган никоҳ сабаб бўлмоқда, — дейди ушбу саволимизга изоҳ бераркан Малика опа. — Масалан, яқинда икки опа-сингил куда бўлишган эди. Етти ой ўтмасданок, фарзандлари "ажрашаман"га тушиб қолди. "Нега, нима учун?" десам, аввалига фарзанд бўлмапти, дейишди, кейин келиннинг ўзи билан секин гаплашсам, бутунлай бошқа бир сир ошкор бўлди. Биласиз, одатимизга кўра,

тўйдан кейин келин-куёв қиз узатилган уйга чақирилиб, «чарлар» ўтказилади. Куёв ва куда томондагилар сарпо билан сийланади. Ана ўша вақтда куёвнинг холаси яъни айна вақтдаги қайнонаси «қудам ўзимнинг синглим-ку, ҳозирча имконим йўқлигини тушунар, кейинроқ сарпо-сурўғини олиб берарман», деб тугунга чарм костюм кўйманган экан. Ана шу арзимас баҳона сабаб бўлиб, икки ўртада можаро чиқибди ва жондай яқин қариндош-уруғлар бир-бирларидан аразлаб кетибди.

Ўтган ойда эса ҳузуримга шаръий никоҳ ўқитиб, хали ФХДЁ томонидан расмий никоҳи қайд этилмаган келин-куёвлар келишди. Суриштирсам, улар ҳам ака-сингилнинг фарзандлари экан. Бу оилани расман рўйхатдан ўтказмасликнинг имкони йўқ, чунки келин тўрт ойлик ҳомиладор эди. Улар билан бафуржа суҳбатлашганимдан сўнг тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма бердим. Орадан бирон ҳафта ўтиб, келиннинг бир ўзи йиғлаб келиб, «Аризамизни қайтариб оламиз», деса бўладими. Са-

баби, тиббий текширув пайтида йигит қонидан ОИВ/ОИТС инфекцияси борлиги аниқланибди. Куёв бу касалликни хорижга бориб, ишлаб юрган вақтда ортирган экан. Энди туғилажак боланинг тақдири, қолаверса, ёш келиннинг ҳаёти хавф остида эди. Ака-сингил ўртасидаги қариндошлик ришталари ҳам узилди...

Яна бир ғалати воқеани эшитинг: яқин бир танишимиз бўларди. Улар ҳам қанча тушунтирсак-да, «Болаларимизни ёшлигида қулоғини тишлатганимиз, бешиккертти қилганимиз», — дейишиб, тоғасининг қизини келин қилиб тушириб олишди. Орада фарзандли бўлишди. Лекин бола ногирон, бир оёғи қалта бўлиб туғилди. Қанча вақт дўхтиру табибларга чолишди, кўрсатишди. Энг аянчлиси, шу орада келин иккинчи фарзандга ҳам ҳомиладор бўлиб қолди. Ишонасизми, иккинчи боласи ҳам минг афсуски, бахтга қарши нуқсонли, кўзи ожиз бўлиб туғилди. Кудам томон чақалоқнинг бундай аҳолини эшитиб, ҳатто туғуруқхонага ҳам бормабди. Энди эса ўғлимизни бошқага уйлантирамиз, деб

югуриб юришганмиш. Ўйламай, маслаҳатлашмай, қўйилган бир ноҳўя қадам кўраяписизми, қандай дахшатли кўргуликларни келтириб чиқармоқда. Узоқни кўролмаган ота-оналар эса бир-бирларига тўхмат тошларини отиш билан овозра бўлган бир пайтда бегуноҳ, муштилар келин бечора энди икки ногирон боласи билан қаерга боради? Ахир, қачонгача биз — катталарнинг йўл қўйган мудҳиш хатоларимиз жабрини фарзандларимиз тартади?

Шу ўринда вояга етган ёшларга ҳам айтадиган икки оғиз гапимиз бор: бугун сиз мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяяписиз. Етти ўлчаб, бир кесинг. Турмуш деганлари бир ойлик ёки ўн йиллик муддат эмас, аксинча, бир умрга боғланадиган ҳаёт риштасидир. Шундай экан, катта йўл бошида йўл қўйилган ҳаттоқнинг оқибати кейин аламли, аччиқ бўлишини унутманг. Ҳар қандай шароитда ҳам сўнги сўзини сиз айтасиз. Айниқса, бугун ён-атрофингизда содир бўлаётган аянчли воқеалардан керакли хулосани чиқаринг. Шошилманг, бир-бирингизни обдон ўрганинг.

“Оила ва жамият” мухбири Турдикул НОРМАТОВ ёзиб олди.



УСТОЗ!
Бу қадрдон ва дилга яқин сўзни эшитсак, юраклар ҳаяжонга тўлади. Негаки, ҳаммамиз боғча ёшидан то катта ҳаёт бўсағасига қадам қўйганимизга қадар тарбиячи, ўқитувчиларнинг меҳр кўридан бахраманд бўлганмиз.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚАРШЇ ТУМАНИДАГИ 47-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ



юртимизнинг барча ҳудудларида фаоллик кўрсатиб ишлаётган ўқитувчи-мураббийларни касб байрамлари билан самимий табриклайди.

Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури асосида таълим қисмида реконструкция қилинган илм масканимизда бугунги кунда минтақа яқин фил-қизлар таълим олишмоқда. Уларга 124 нафар малакали ўқитувчилар турли фанлардан сабоқ беришгани. Ақил жамоамизга кўп йиллардан буён таърифибали устоз Нормат Шейров раҳбарлик қилиб келаётир. Алмефа Домиева, Сурон Эшитқаров, Клара Жабборовва, Насиба Остонова ва яна бошқа филлаб фидойи ўқитувчилар ўзларининг билим ва малакаларини баркамол авлод таълим-тарбиясига бағишламолдалар.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

Халқимизда “Устоз — отангдек улуғ” деган ҳикматли ибора бор. Ўқитувчи, мураббийлик касбининг беназирлиги шундаки, улар илму маърифат истаб келган ҳар бир йигит-қиздан бутун меҳру муҳаббатини аямайди.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИНИНГ БАРЧА УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАРИНИ

қутлуғ байрамлари билан чин дилдан табриклаймиз!


Баркамол авлод таълим-тарбияси йўлидаги фидойи меҳнатингиз, беқиёс жонқуярлигингиз учун қаршингизда ҳамшиша таъзимдамиз!



**АЙЁМИНГИЗ
МУБОРАК
БЎЛСИН!**

Самимий эҳтиром билан
Пахта саноати технологияси ва механика факультетининг
3р-10 гуруҳи талабалари.


Дунёда энг қадри ва ҳамиша эъзозга лойиқ касблардан бири ҳеч шубҳасиз, ўқитувчилик, мураббийликдир. Айниқса, истиқлол йилларида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз миқёсида таълимга эътибор масаласи энг устивор йўналишлардан бирига айлангани ҳам бежиз эмас.



“ОЛТИН МЕРОС” ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАН БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

маърифатимиз фидойиларини умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин юракдан қутлайди!


● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ●



ОЛАМ

ЧАППА УЙ

Хаётда шундай инсонлар учрайдики, уларнинг онгу хаёлини ҳеч кимга ўхшамаслик, хамиша оригиналликка эришиш, ҳамма-ҳаммани нима биландир ҳайрат-



га солиш фикри чулғаб олган бўлади ва бунинг учун ҳар қандай хавфли воқеа-ҳодисаларга ҳам тайёр турадилар. Улар учун муҳими, ноанъанавий ҳаракатларини, амалга оширган ишларини, ясаган буюмларини бир кўрган одам кучли ҳаяжон билан "Во ажабо!" "Ана, холос!" "Э, қойил-е!" деса бўлгани...

Сиз суратда кўриб турган уй осмондан келиб бинонинг устига "санчилиб" қолмаган, балки ҳайратталаб қурувчиларнинг "санъат асар"идир. Бундай оёғи осмондан қилиб қурилган уйлари томоша қилиш учун Австрия пойтахти Вена шаҳрига сафар қилишингиз керак бўлади...

ПАРДОЗ
ТАҚИҚЛАНМАЙДИ

Пардоз-андоз санъати қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Рим, Юнонистон,

Яқин ҳамда ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Биласизми, пардоз-андоз дастлаб эркаклар орасида авж олиб, кейинчалик бунга аёллар бутунлай эгалик қилиб олишган.

Европада пардоз воситаларидан фойдаланиш ўрта асрларга келиб кенг тарқалган. XVII асрда упа-элик урфга кирган. Уни тухум оқи билан аралаштириб баданга суртишган. Инглиз қиролчаси Елизавета I юзга упа суртишни биринчи бўлиб қўллаган аёлдир.

1770 йили инглиз парламенти чиқарган қонунда, жумладан шундай ёзилган: "Ҳар қандай аёл ёши, мавқеи, қиз ёки жувонлиги, эрли ёки беваалигидан қатъи назар, пардоз-андоз қилиб эркакларни ўзларига оғдириб олса, ҳийлагар сифатида жазоланади, агар шун йўл билан эрга тегмоқчи бўлса, никоҳ ғайриқонуний деб ҳисобланади".

Бугун эса бу масала деярли ҳеч бир давлатда ҳеч қандай қонун билан чекланмайди, пардоз буюмлари эса гўзаллик воситалари сифатида оммавий тарзда қўлланилади. Лекин барибир, табиий гўзалликни асрашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

АЁЛЛАР УЧУН
АЛОҲИДА ВАГОН

Деҳли метрополитени маъмурияти ҳар бир поездда алоҳида аёллар вағони ташкил этилишини маълум қилди.

«Ер ости транспортдан фойдаланадиган минглаб аёлларимиздан шикоятлар олдик. Улар эркакларнинг ортиқча эътибор билан тикилишларидан ёзғиришарди. Шу боис ҳар бир темир йўл составида битта вағонни аёллар учун ажратишга қарор қилдик», дейди Деҳли метрополитени маъмурияти масъул ходими Аунж Дайял.

Энди машинистдан кейинги вағон аёлларга ажратилади ва унга махсус белги қўйилади. Бундай вағонларга аёллардан ташқари 12 ёшга бўлган болалар ҳам чиқиши мумкин.

Деҳли метроси 2002 йил охириларда ишга тушган. Ҳозирда ундан бир кунда 2 млн. киши фойдаланади.

380 КИЛОЛИК
ЗУМРАДНИНГ
ЭГАСИ КИМ?

380 килолик табиий зумраднинг тақдирини Лос-Анжелес олий суди ҳукмига боғлиқ бўлиб турибди.



Ҳар бири ўзини ушбу қимматбаҳо тошнинг ҳақиқий эгаси деб даъво қила-

ётган бир неча киши судга ариза берган. Зумрад бундан ўн йил аввал Бразилиянинг Баия штати ҳудудидаги қондан топилган эди. Даъвогарлардан бири уни 2001 йили атиги 60 минг долларга сотиб олганини таъкидламоқда. Баия зумради ҳозирда 372 млн долларга баҳоланаяпти.

Зумраднинг тарихи жумбоқларга тўла. Ўтган йилларда қимматбаҳо тош Калифорния, Невада ва Луизиана штатларида «меҳмон бўлди». 2005 йил августда АКШнинг жанубини ағдар-тўнтар қилган «Катрина» тўфони оқибатида Баия зумради сақланаётган банк сейфи бир неча ой сув остида қолиб кетган. Ва ниҳоят, зумрад Лас-Вегасда наватдаги яширинча савдо чоғи полиция томонидан мусодара этилди ва охири икки йилда Лос-Анжелес шерифининг идорасида сақланди.

РОССИЯ ХИТОЙГА
НЕФТЬ СОТАДИ

Россия 2011 йил 1 январдан Хитойга нефть етказиб бера бошлайди.



«Ноябрь-декабрь ойларида қувурлар орқали 600 минг тонна нефть ҳайдалади», дейди журналистларга «Транснефть» компанияси раҳбари Николай Токарев. Шундай қилиб, ҳар йили Хитойга 15 млн. тонна нефть етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Аммо Николай Токарев шартноманинг умумий қийматини аниқ айтмаган. «Нефть нархи доимий ўзгаришда, шартнома эса 20 йилга тузилган, аммо ҳар

қандай шароитда ҳам битим қиймати жуда катта миқдорни ташкил этади», дея мавҳум жавоб берди у.

Россия-Хитой нефть қувури қуриб битказилиши муносабати билан Пекин шаҳрида ташкил этилган маросимда РФ президенти Дмитрий Медведев ва ХХР раҳбари Ху Цзиньтао иштирок этди. 15 йиллик меҳнат маҳсули бўлган қувурнинг умумий узунлиги 999 км.

СИЁСАТЧИЛАР ЭМАС,
МЕДИАМАГНАТ
БИРИНЧИ

«NewStatesman» дунёнинг яхши ёки ёмон томонга ўзгаришига таъсири катта бўлган 50 кишининг рўйхатини эълон қилди.



Ўтган йили биринчи ўринда турган АКШ президенти Барак Обама иккинчи поғонага тушган бўлса, еттинчи ўриндаги Россия бош вазири Владимир Путин ўн уч «зинапо» қўйилаб кетди. Асли австралиялик Америка медиамагнати Руперт Мёрдок эса энг юқорига кўтарилиб олди.

Эрон етакчиси Маҳмуд Аҳмадинажот учинчи ўринни забт этган рўйхатда Рим папаси Бенедикт XVI олтинчи, Германия канцлери Ангела Меркел саккизинчи, Венесуэла раҳбари Хуго Чавес ўнинчи, Исроил бош вазири Биньямин Нетаняху ўн биринчи поғонадан жой олди.

Интернет манбалари асосида
Фаррух ЖАБОРОВ тайёрлади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

КУДРЯВЦЕВА —
"TOSHKENT OPEN —
2010" ҒОЛИБИ

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган кучли спорт-



чилар иштирокида ўтказилган "Toshkent open — 2010" аънавий халқаро теннис турнири якунланди.

Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги нуфузли турнирлардан бири бўлган мазкур аънавий беллашув истеъдодли теннисчиларни кашф қилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу аънаво жорий йилда ҳам давом этди: турнир финалида россиялик теннисчилар — Алла Кудрявцева ҳамда Елена Веснина ўз фаолиятидаги биринчи соврин учун ўзаро куч синашди. А.Кудрявцева рақибасидан 6:4, 6:4 ҳисобида устун келиб, "Toshkent open — 2010" аънавий халқаро теннис турнирининг бош соврини соҳиби бўлди.

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ —
ЖАҲОН КУБОГИ
ШОҲСУПАСИДА

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон кубогида йигирмага яқин мамлакатдан келган юз нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар ва 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синашди.

Икки кун давом этган мусобақада ҳамюртларимиз — Ирода Абдураҳмонова ва Рима Бердиқулова кумуш медалларга сазовор бўлиб, терма жамоамизнинг кучли бешликдан жой олишини таъминлади.

Ирода Абдураҳмонова вази 57 килограммгача бўлган қизлар ўртасида иорданиялик Лираз Бен Мелех, қозғистонлик Алина Тен америкалик Хана Кармайклдан устун келган бўлса, Рима Бердиқулова оғирлиги 52 килограммгача бўлган қизлар мусобақасида қирғизистонлик Салтанат Аҳмаджонова, мўғулистонлик Солонго Баатарсаихан ва қозғистонлик Ленария Мингазовани мағлубиятга учратди.

Беллашувларда япониялик Икуми Танимото, жанубий корейлик Кюнг Ок Ким, Жан Ди Ким, Ми Жонг Геонг, На Ионг Ким, украиналик Наталия Смал ва мўғулистонлик Мунгбат Урансетсег олтин медални қўлга киритди.

"БУНЁДКОР"НИНГ
МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лигасида пешқадамлик қилаётган Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси йигирма биринчи турда дастлабки мағлубиятга учради.

Зарафшонда "Кизилқум" меҳмони бўлган "Бунёдкор" футболчилари миллий чемпионатда 2008 йилнинг 18 ноябридан буён 51 учрашувда мағлубиятга учрамай келаятган эди. "Кизилқум" вакиллари ўз майдонида чемпионга жиддий қаршилик кўрсатишди. Мустаҳкам ҳимоя ва тезкор қарши ҳужум тактикасида ўйнаган зарафшонликлар 70-дақиқада рақиб дарвозасини ишғол қилди. Ҳимоячиларни доғда қолдирган Леонид Кошелев галаба тўпини киритди — 1:0.

"Бунёдкор"нинг илк мағлубияти иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор"нинг чемпионлик учун курашиш имкониятини оширди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари Муборакда "Машъал"га қарши ўтказилган учрашувда Алишер Азизов ва Александр Гейнрихнинг голлари эвазига 2:1 ҳисобида зафар қучди. Бу галабадан сўнг пахтакорчилар "Бунёдкор" билан ўртадаги фарқни беш очкогача қисқартирди ва олтин медал учун кураш янада қизийди-ган бўлди.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Шундоқ атрофингизга қарасангиз, қанчадан-қанча одамлар бир-бирлари билан нималарнидир тинимсиз гаплашадилар, бахслашадилар, муҳокама қиладилар. Уларнинг ўзаро гапларига қулоқ тусангиз, бу гапларнинг сизга ҳам дахли борлигини сезасиз, лекин ўзингизни дарров четга олассиз. "Менга нима?" деган безбет фалсафанинг билан йўлингизда давом этасиз. Афсуски, сиз бошқаларга қандай қарасангиз, бошқалар ҳам сизга шундай қарайди-да. Ҳаммингиз сизга дахли бўлмаса, сизнинг ҳам ҳаммага дахлингиз бўлмайди. Элчилик деган сўзнинг ҳикмати катта. Инсоният эришган энг улуг ҳикмат бу. Агар одамзот шу тушунчага етишмаганида аллақачонлар абгор бўлиб кетарди. Бир шаҳарда, бир қишлоқда яшайдиган қанчадан-қанча бегоналар бор. Бунга кўнса бўлар. Лекин бир уйда бирга яшайдиган бегоналар ҳам бисёр. Бунга қандай кўниш ё кўниши ҳаммага дахли бўлмайди.

Ҳозир шаҳарнинг гавжум хиёбонларидан бирида суҳбатлашаётган мана бу икки қизнинг гапларига қулоқ солиб кўрайлик-чи? Улардан бири Дилбар, иккинчиси Барно. Икковлари ҳам институт талабаси.

— Биласанми, бунақа гапларни фақат уйдагилар билан гаплашиб олиш керак. Ойинг, даданг билан маслаҳатлашинг керак, — дея жонхалак дугонасига маслаҳат берарди Дилбар.

Барно эса куйиниб гапида давом этарди:

— Ойим... Дадам... Қанийди улар мени тушунишса?..

— Мана мен, бироз ноқулай вазиятга тушиб қолсам, дарров ойим билан маслаҳатлашаман. Зарур бўлса, ойим дадам билан гаплашиб оладилар. Қарабсанки, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлиб кетаверади.

— Қанийди, меникилар ҳам сеникиларга ўхшаса. Улар сени тушунади. Мени эса...

— Бир нарсани унутма, ҳеч ким сенга уйингдигилар каби яқин бўлмайди. Ҳеч ким уларчалик куйинмайди. Бу аксиома-ку!

— Тўғри, нима десам олиб беришди, уст-бошимга жиддий қарашади, лекин кўнглимга қарашмайди. Жуда қийналиб кетдим. Ўқийдиганда бу гаплар жонимга теғди.

— Жимгина юраверасанми? Нимадир қилишинг керак-ку, ахир!

— Ўлай агар бу болада тирноқча кўнглим бўлса... У атай гап тарқатаёпти. Гўёки мен у билан юраришман. Ҳар куни ҳар хил бемаза гапларни тўқиб чиқараверади. Мен нима дейишимни билмай қоламан. Бу машамашалар ўқитувчиларимизгача етиб борибди.

Ўқийшимни ташлаб кетишга ям розиман. Ёмонотликча чиқиб қолсам нима бўлади-а? Шу гаплар сабаб дарсларни ўзлаштиролмай хуноб бўлаяпман. Шундан кутулсам бўлди. Одам ҳам шунчалик худбин бўладими-а, Дилбар?

— Бу яхши эмас... Айниқса, қиз болага. Нияти нима экан?

— Яхши кўрармиш. Агар севги дегани шунақа бўлса... керакмас. Сурбет.

— Уйингдигилар билан гаплаш...

Албатта, бизга бу одатдаги гурунларнинг биридек туюлади. "Хўш, нима бўпти? Шунгами ота гўри қозихонами?" деб кўямиз. Агар шунга гап ҳам ўзимизга малол келса, яна ўша гапга бориб тақаламиз: МЕНГА НИМА? Зап топиб айтишган-да бу гапни. Биз шу гап соясидида қолаверамиз: Барнонинг муаммоси шаҳардаги тўққиз қаватли уйларнинг бирида, ёши қирқдан ошиб, қир кўрмаган Фулом ака Мазлума опалар хонадонидида давом этади. Улар ким дейсизми? Барнонинг отаси ва онаси! Дарё тошса тўпигага чиқмайдиган одамлар.

Фулом ака кубик ўйнаб ўтирибди. Мазлума опа газетанида сканворд ечяпти. Қаранг-а, улар нақадар оламшумул ишлар билан шуғулланишмоқда. Яхшиси, халақит бермайлик, тагин жаҳон аҳамия-

тига молик бир ишнинг амалга ошишига тўсиқ бўлиб қолмайлик, дея жимгина орқага қайтишни мўлжаллаб турганимизда, уйга Барно кириб келади. Ҳеч бўлмаса шу қиз ҳаққи-хурмати учун воқеани кузатмасак бўлмас...

Мазлума опа газета устига мук тушиб "ишлапти":

— Темир одам — Ро-бот... Робот!

Фулом ака эса кўзлари чакнаб кўлидаги кубикни тинмай айлантиради. Ё тавба! Кўз дегани ҳам ҳар нарсага чакнайверар экан-да.

— Яшиллар...

Шу орада ичкари уйдан Содир чиқди. У ота-онаси ўтирган стол ёнига келади-да, бир пиёла чойни хуриллатиб ичади.

— Рақс одими — фа! — деб қичқириб юборди Мазлума опа гўё Архимед "Эврика" деб бакирганидай.

Фулом ака эса ҳамон кубик устида бош қотирарди.

Содир ўрнидан туриб, кета-кета:

— Мен ўртоқларим билан айланиб келаман, — деди.

Мазлума опа газетанида кўзини узмасди:

Кечки овқатдан сўнг ҳам ҳар ким бу уйда ўз ўзи билан овора эди. Содир телефонида қандайдир ўйин ўйнаб ўтиради. Барно қулоғига наушник кўйиб мусиқа эшитишди. Фулом ака телевизор пультагини тинимсиз у каналдан бу каналга ўтказди. Мазлума опа "Мода" журналинини томоша қилади. Улар охири бундай оламшумул машғулотларидан зерикшадди. Ҳар бири ўзича ўйга толади.

Барно мусиқа тинглаб ўйлайди:

— Жудаям зерикдим. Уйимизда нега бунақа а? Ўзимиз тўрт кишимиз-у, ҳеч гапимиз гапимизга кўшилмайди. Мен учун муҳим бўлган гап уларга муҳим эмасдай, улар учун муҳим бўлгани менга аҳамиятсиз. Гўё бир уйдаги бегоналардаймиз. Нахотки, гаплашдиган гапларимиз бўлмаса...


Содир ўйинини бас қилиб, телефони бир четга кўяди:

— Ҳозир Бобур қаердайкин? Телефони ўчирилган. Бирон нарсани баҳона қилиб, кўеннинг расмини қизсам бўларди. Уйда нимаям қиламан?

Мазлума опа журнални варақлай туриб, эрига қараб безовталанади:

— Бу одам ҳозир шу телевизорнинг

БИР УЙДАГИ БЕГОНАЛАР



— Ҳайвон отиш — ... ов... микин? Ов! Фулом ака эса жигибийрон эди:

— Яшиллар... Чикмақпти. Содир чиқиб кетиши билан уйга Барно кирди.

— Салейкум!

— Ҳафтанинг еттинчи куни — яшанба! Яшанба!!! — яна бир муҳим нарсани кашф қилгандай шанғиллади Мазлума опа. У ўзининг топқирлигидан ўзи фахрланарди.

Фулом ака эса ўзича дунёнинг тақдирини ҳал қилаётгандай кубик устида банд эди.

Барно уларга бироз қараб туради-да, ийманибгина:

— Ойи, қачон бўшайсиз... Сизда гапим бор эди... — деди.

Мазлума опа газетанида бош кўтармай сўради:

— Ҳим... Барно, Америкадаги "М" билан бошланадиган дарёнинг номини билмайсанми?

Барно асабийлашиб ўз-ўзига деди:

— Ё тавба! Ҳозир ўзининг исмиمنى унутай деб турибман-у! Топган гапларини қаранг.

Барно хафсаласи пир бўлиб, индамай ичкарига кириб кетади. Эр-хотин ҳар бири ўзича машғулотларини давом эттирди.

пультини еб кўяди-ёв. Ё тавба! Одам ҳам шунақа бетоқат, бифарқ бўладими? Йигирма йилдан бери бирга яшаб бу кишининг ким эканлигини билолмадим. Бу киши фақат иккитагина сўзни билди "ҳа" ва "йўқ". Ферузаникига чиқиб келсам кеч бўлмадимикин? Бироз ҳасратлашардим.

Фулом ака эса телевизорни бошқа каналга ўтказиб ўз-ўзига дейди:

— Португалиядаги ёнғин нима бўлдикин? Покистондаги сув тошқинлари роса авжга минибди.

Шу пайт телефон жириглайди. Барно дик этиб ўрнидан туриб телефонни олади. Бирдан хурсанд бўлиб кетиб жавоб берарди:

— Шунақами? Ҳозир тушаман. Ҳозир.

Мазлума опа эснабгина кизидан сўради:

— Ким экан?

— Назира билан Зухра пастда туришибди экан. Чақиршияпти. Чиқиб келай. Ҳеч ким унга ҳеч нарса демайди. У ҳам жавоб кутиб ўтирмайди.

— Мен кетдим.

У шошилиб дахлизга ўтади-да, шиппагини оёғига илиб, ташқарига чиқиб кетади. Содир ҳам секин ўрнидан туради.

— Зерикдим, кўча айланиб келаман... Яна ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Содир ҳам, ўзининг таъбири билан айтганда, секин кўеннинг расмини чизворади. Бу расм кўенга ўхшайдими, ўхшамайдими, бунинг ҳеч кимга қизиғи йўқ.

— Мен Ферузаланарига чиқиб келаман. Эшикни ёпиб олинг!

Мазлума опа ҳам чиқиб кетади. Фулом ака эшикни ёпиб қайтади. Яна телевизор пультагини бурайдди-да: ўз-ўзига гудранадди:

— Ҳозир ўзга сайёраликлар ҳақидаги кўрсатув бошланади.

Тезда телевизорда ўзга сайёраликлар ҳақидаги кўрсатув бошланди. Фулом ака экрандаги тасвирларга михлангандай диққат билан кўзлари ёниб қараб ўтирарди.

Бор-йўғи шу! Сизга нима-ю, менга?..

ЭШҚОБИЛ ШУКУР

ШЕЪРИЯТ

ЧАРАҚЛАЙДИ БОШИНГДА ҚУЁШ



Умархон Аҳмад МАЛҲАМИЙ

ХУР ЎЛКАМ

Ўзбекистон — яшаган ўлка,
Боболарим яратган бўстон.
Одимлайсан нурафшон йўлда,
Маҳзинг бўлар туганмас дoston.

Осмон каби билмайсан поён,
Гўзалликда тенгсиз бир дунё.
Чарақлайди бошингда осмон,
Жаннат сени қучгандай гўё.

Тупроғингдан ундирар гавҳар,
Манглайини боғлаган дехқон.
Қуёш балқиб турар ҳар сафар,
Тоғлар билан бўйлашур хирмон.

Таърифингни тугатиб бўлмас,
Довруғингга тор келур эжаҳон.
Боғларингда гуллар ҳеч сўлмас,
Муस्ताқил юрт, хур Ўзбекистон!

ОНА

Эмишки, беҳисоб азоб, офатлар,
Сабабин узоқ вақт билмаган инсон.
Сиғиниб ёлворган ясашиб бутлар,
"Ўзинг балолардан сақла, — деб, омон".

Булар кор эмтаган,
Ўзга бир санам,
Инсонни ер учун асради мангу.
Уша — қалбимизга мўмиё-малҳам,
Уша — деб чеккан тоабда қайгу.

Бир умр тавоф қил,
Бу қутлуғ санам —
Жафоқаш, халоскор, мунис Опажон.
Ердан то Ой қадар ташлабмиз қадам,
Унинг қудратидан топангиз имкон.
Сенинг вужудингдан бўлагимиз бино,
Сен борки, узвийдир бу қадим ҳаёт.
Гар сендан тонсалар
Янчилик дунё,
Йўқ бўлиб кетгани афзал
Одамзод!

ОТА САБОҒИ

Тик боқма отангнинг кўзига,
Тилингда келганин сўзлама.
Амал қил ҳар айтган сўзига,
Хатосин излашни кўзлама.

Оталар пандига қулоқ бер,
Юравер кўрсатган йўлидан.
Боболар бу йўлни сабоқ дер,
Барака тўкилар қўлидан.

Йилларнинг кетидан йил ўтар,
Ҳамиша соғ бўлсин тан-жонни.
Оталар бор жойида йўқ хатар,
Отангдай ардоқла Ватанни.

КЕЛЖУР

Жонажон дўстларга ҳар он жон фидо
этгум келур,
Этмасқа қадримга ул дўст,
бахридан ўтгум келур.

Ёру дўстлар даврасида бош
етур осмон қадар,
Битта нопок дўст қўшиласа,
бош оlib кетгум келур.

Яхшига жонимни ҳам жон деб
фидо айлаб тагин,
Дардини дардим биллиб,
ёлғиз ўзим ютгум келур.

Эллу юрт олий ҳақамдир,
яхши ким, кимдир ёмон,
Сирти силлиқ,
сийрати пастларга қаҳрим келур.

Истадим умрим бўйи чин ошнолар,
Малҳамий,
Дўстларим — бахтим, умрбод
қадрига этгум келур.

«Яқин дугонам акиси Шухратни ҳамиша мактаб гапирарди. Туғилган кунимга Шухрат ҳам келди. Уни келишган йигит бўлгани учун ёқтириб қолдим. Уйимдагилар ҳам «Синг-лисини яхши биласан, ўзи ҳам ёмон йигитга ўхшамайди-ку», деб обдон суриштириб ўтиришмади. Тўйимиз бўлди. Биз Тошкентда ижара уйда яшаб, ишлай бошладик. Мен мактабда ишлардим. Шухрат бир неча марта ишга жойлашди, лекин бир жойда кўним топмай, турли баҳоналарни тўкиб, тезда ишдан бўшаб кетаверди. Охири бекорчиликка кўникиб қолгани учун менинг маошим ҳисобига яшай бошлади. «Урмаса, сўкмаса, ўзгариб қолар», деган умид билан тишимни-тишимга босиб чидадим. Бир куни Қашқадарёга бориб, тонгда поездда пойтахтга қайтдим. Уйга келсам, не кўз билан кўрайки, у бегона аёл билан...

Унинг хиёнатини кечиролмадим. Қонуний ажрашдик. Йил-



лар оқар сув экан. **Ёшим 31 да.** Маълумотим олий, ишлайман. Фарзандим йўқ. Ёшимга мос, иши тайин, иймонли эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**ГУЛАСАЛ,
Тошкент шаҳри.**

«Мен ҳам Нодир билан севишиб турмуш қургандим. Қайнона-қайнотам жуда бамаъни инсонлар эди. Биз аҳил-иноқ яшардик. Қизчам туғилганида эримнинг ўзида йўқ хурсанд бўлгани ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. На илож, тақдир экан-да, у ўртоғининг тўйида қўлбола спиртли ичимликдан заҳарланиб, оламдан ўтди. Беш йил ичида қайнотам ҳам, қайнонам ҳам қаза қилди. Айрилиқ азоби инсонни эсанкиратиб қўяркан. Катта ҳовлида қизим билан

қолиб кетдим. Шунга ҳам 11 йил бўлди. Қизим вояга етиб қолди. Уни эгасига топширсам, ёлғизланиб қоламанми, деган ўй-хаёл менга сира тинчлик бермайди. **Ёшим 41 да.** Мени тушунадиган зарарли одатлардан ҳоли, диёнатли инсон, учраса, турмушга чиқишга қарор қилдим.

**ШОХИДА,
Сурхондарё вилояти.**

«Ўртоғимнинг тўйида куёв-жўра бўлиб борганимда келиннинг дугонаси Раънони ёқтириб қолгандим. Икки ёшимда отам вафот этган, онам мени деб қайта турмуш қурмаганди. Раънони эса ота-онаси асраб олган экан. Онам бу ҳақда эшитиб, унга уйланишимга қарши бўлди. Билардим, онам амманнинг сўзини икки қилол-

масди. Шунинг учун дардимни у кишига айтдим, аммам аралашиб онамни кўндиргач, тўйимиз бўлди. Раъно ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб, кўлини совуқ сувга ҳам урмасди. Айёрлиги, илиқ гаплари билан ҳар қандай инсонни авраб ташларди. Онам унинг хизматкорига айланиб қолганди. Кетма-кет фарзандли бўлдик. Лекин хотинимнинг хурмача қилиқлари ортса ортди, камай-

мади. Ажрашай десам, онам: «Жон болам, невараларим ота меҳрига зор ўсмасин», дерди. Охири волидам бемор бўлиб ётиб қолди. Икки кунлик меҳнат сафаридан қайтиб келсам, онамга бир коса иссиқ овқат ҳам бермабди. Бундай тошбағир хотин билан яшай олмаслигимга кўзим етди ва у билан қонуний ажрашдик.

Ёшим 45 да. Маълумотим олий. Инсоний фазилатларга эга, меҳрибон, очик кўнгил, уйим-жойим дейдиган аёл учраса, хабар берарсизлар.

**КУДРАТ,
Хоразм вилояти.**


ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома такдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “VIKAAZ — PLAST” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами билан ушбу соҳа вакиллари самимий қутлайди!



Фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, бахт-саодати йўлида кўрсатаётган олийқиммат хизматингизни ҳар қанча улуғласак, шарафласак, шунча оз. Қалбларга ёруғлик ва илиқлик бахш этувчи юрак кўрингиз ҳеч қачон сўнмасин. Барчангизга ўз шогирдларингиз камолини кўриб юрмоқ бахти насиб этсин!

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўқитувчилар!

БОШ ФАРЗАНДНИНГ АЙБИ



ОЙНА

Саккиз ёшга тўлган Валижон сингилчасини қоляскага ўтказиб, у ёқдан бу ёққа юргизавериб, овутавериб чарчади. Қизалоқ эса хархашани давом эттириверди.

— Ойи, қаранг, укамга! Мен дарсимни қилай, — деди тоқати тоқ бўлган Валижон.

— Кўриб турибсан-ку, сомса пишираяпман, тўйга боришим керак. Ўзинг қарайвер! Дарсингни кечкурун қиларсан, — дейди она.

— Уҳ-х, кечкурун шеър ёдлашим керак... — инжиқланди Валижон.

— Ўчи-ир овозингни, яхшилаб қара болага! — янада қаттиқроқ қичқирди ошхонада куймаланаётган она.

— Мана, мана, қараяпман! — Валижон силтаниб, қоляскани тез юргизиб юборди. Қизалоқ чайқалиб, пастга йиқилаёзди. Ва кўриб кетгани учун биллаб йиғлаб юборди. Шу атрофда гулларга, кўчатларга сув тараб юрган дадаси чақон келиб болани ушлаб қолди ва Валижонга ўшқирди. Ваҳима билан шовқин солиб, она ҳам чопиб келди.

— Йўқол, кўзимга кўринма! Болани йикитай, дединг-ку, асфальтга. Аҳмоқ! — деди она.

Ота-онанинг важохатидан кўрққан,

НИМА?!

асаблари қақшаган Валижон кўчага отилди. Эр-хотин қизалоқни зўрга оуттишди.


— Ҳай, Наргиза, кел, укангга ўзинг қара! Ҳали шу ерга келсин, ўша кўрнамак, боллаб савалайман!

— Ойи, мен уйлارни тозалаяпман-ку! — мингирлади ўн ёшли Наргиза. — Мениям дарсим кўп.

— Қара, деяпман! — овозини бори-ча қичқирди она.

Наргиза ҳам йиғламоқдан баттар бўлиб, сугургини ташлади ва қўлига укасини олди...

Эҳ, ота-она, дегим келади, уларга, сизнинг Наргиза ва Валижонингиз дарсини ҳам қилмай, болалик завқ-шавқини ҳам сурмай, боз устига дашномларингизни эшитиб, кичкинтойнингизга қараш мажбуриятини олишганми?! Ахир, уларни ҳам пуф-пуфлаб, эъозлаб катта қилгансиз-ку! Нега энди уларни ҳақоратлаб, бола боқишга мажбур қиласиз? Учинчи фарзандни истаган экансиз, унга қараш учун ўзингиз кўпроқ вақт топинг. Бир-икки йил турли-туман тadbирларга борманг. Ҳукуматимиз болага



қараш учун уч йиллик таътилни бекорга бермагандир, ахир? «Она уч йил давомида боладан алласини, оқ сутини, меҳрини, вақтини аямасин! Унга парвона бўлсин! Яхши сўз, одоб ўргатсин. Соғлом фарзанд улгайтсин!» Катталари-

нинг ҳам соғлигини, ўқишини ўйласин! Уларга ҳам оналик меҳрини бериб, дарс тайёрлашлари, вақтида дам олишлари шароит яратиб берсин», деган мақсадлар кўзланган эмасми?!

Ҳа, ёш болаки бор она ҳар қандай орзу-ҳавасни, ишни вақтинча орқага суриб, болага ўзи қараб, ўқувчи фарзандларининг ҳам аини ўқийдиган, ўрганадиган, турли тўғарақларга қатнашадиган фаслида уларга ҳам алоҳида вақт, эътибор ажратиши зарур!

«Бола характери беш ёшгача шаклланиб бўлади», дейишади. Шунинг учун ҳам ёш болангиз, аввало, сизнинг меҳрингизга тўйсин. Бутун вужуди билан сизни англаб, митти юраккинасига инсоний фазилатларни онасидан кўчирсин. Болани кўларингиз, сўларингиз, ҳароратли бағрингиз билан севинг. Фанимат дақиқаларда бола кулоғига яхшилик сабоқларини, майин овозни жойланг. «Уйда ўтириб, қолдим, ишимдан, обрўйимдан, тўй-тўйчиқдан узоқлашдим», деманг!

Ҳа, оналик фасли — баҳордек гўзал, ҳадемай ўтади-кетади. Оналик бурчини, шарафини болангизнинг нечталиги билангина эмас, уларнинг етуқлиги, соғломлиги, ақлли ва донолиги билан улуғласак, қандай яхши!

Санъат МАҲМУДОВА



ШИМОЛ — Тилимизда «жанубнинг акс томони» маъносини билдирган бу сўзнинг туб илдизи «ўралди» деган мазмунни англатади. «Ўзбек тилининг этимологик лугати» да изоҳланишича, «шамол» сўзнининг туб илдизи ҳам шу мазмундан келиб чиққан. Демак, «шимол» ва «шамол» сўзларининг илдизи бир хил.

Шимол шамоли эсиб, бирдан салқин тушди.

Хабардан

ТУЙҒУН — Бу сўз «тез фаҳмлайдиган, сезгир» деган маъноларни англатади. «Туйғун» сўзи «туй», «туйғу» сўзларидан ҳосил бўлиб, бу сўзлар «сезиш, ҳис этиш» маъноларини билдиради.

Йигитнинг туйғунин кўрдим, бувишим.

«Кунтуғмиш» достонидан

ДАКИҚА — Тилимизда «минут» маъносини англатган бу сўзнинг туб илдизи «парчалади» деган маънони билдиради. «Ўзбек тилининг этимологик лугати» да изоҳланишича, «дақиқа» сўзнининг «заррача», «молекула» деган маънолари ҳам мавжуд. «Минут» сўзнининг ўзи ҳам лотинчада «майда, кичик» деган маънони англатади.

Уч тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди.

Абдулла Қодирий

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.



АКС САДО

ИНСОН АЗИЗ, ИНСОН МУКАРРАМ...

«Қазо қилганнинг ҳурмати тўкин дастурхон билан ўлчанадими?» — 31-сон

Яқинда бир қариндошимиз олтимиш икки ёшида вафот этди. Умри қора меҳнат билан ўтган, камсукум, фақиргина одам эди раҳматли. Марҳумни жойига қўйиб келишгандан кейин ҳам келиб-кетувчиларнинг қадами узилмади. Айниқса, аёллар ҳар ярим соатда тўртта-бешта бўлиб келиб туришар, ҳар янги одам келганда азадорлар ўринларидан туриб уввос солишар, йиғи-сиғи, йўқлов камиди йиғирма дақиқа давом этарди. Марҳумнинг шўрлик аёли марсия айтиб йиғлайвериб, овози бўғилиб, хирллаб қолганди. Охири сабрим чидамай, ёнимда ўтирган холамга астагина «Янгамиз бечора бўғилиб ҳолдан тойди-ку, ўзи юраги, жигари хаста бўлса, яна ортиқча дод-вой билан тоғамизнинг ҳам руҳларини безовта қилиб қўймаймизми?» деб шипшидим. «Жим бўл! — биқинимни чимчилади холам, — кейин одамлар айрилиққа чи-долмай хушидан кетмади деб, уни гап қилиб юришади. «Одат» шундай!» «Нима, одамлар таъзияга азадорлардан кўнгул сўраб, ҳамдардлик билдириш, таскин-тасалли беришга чиқадими ёки марҳумнинг яқинлари қай даражада фарёд уриб йиғлашини томоша қилгани келишадими?!» — шивирладим аламдан бўғриқиб.

Таъзиянинг учинчи кунига худойи белгиланди. Эрталабданок қўй сўйилиб, бир дошқозонга шўрва осилиб, бирига ош дамланди. Уч катта хона ва икки

пешайвонга дастурхон ёзилиб, нознеъматлар билан тўлдириб ташланди. Кун чошгоҳ бўлгач, одамлар бирма-бир кела бошлади, аёлларнинг йиғи-сиғи, дод-фарёди юракларни зирқиратар даражага чиқди. Уй тўрида қалин кўрпачада ястаниб ўтирган бир аёл дамбадам «Ҳа, тўхтатманглар, баландроқ айтиб-айтиб йиғланглар», деб кўярди, Икки соатлар ўтгач, юз-кўзлари йиғидан шишиб кетган азадорларнинг фарёдини отинийнинг ширадор овозда



бошлаган тиловати босди. Кейин дастурхонга аввал шўрва, сўнг ош тортилиб, таъзияда эмас, байрам кечасида ўтиргандек гурун-ҳангома қизиб кетди. Тинкаси қуриб ҳолдан тойган азадорлар эса пастда мунгайбигина ерга қараб ўтиришар, бир пиёла чой ичиб, танглайини ҳўлаб олишга ҳеч бири ботинолмасди. Уларнинг бу ҳолига, биронинг раҳми келди чоғи, қайвонига

юзланиб, «Уларга ҳам дастурхон ёзинглар, бирор нима еб олишсин, қувраб, силлалари қуриб қолди-ку!» деди. «Опажон, айб бўлади-я, бизлар раҳматли акамнинг таъзиясида нақ бир ҳафта туз тотмай, фақат муздай сув ичувдик, мана, бало ҳам ургани йўқ!» — оғзидаги ошни сарватиб гўдирлади тўладан келган кексароқ аёл...

Таажуб... Бир одамнинг оламдан ўтиши, хоҳ кекса, хоҳ ёш бўлсин, жиғарлари, онласи учун катта йўқотиш, мусибат. Шундай оғир дамларда дастурхон безатиб, ҳар хил таомлар тортиш ва худди зиёфатда ўтиргандек бемалол гапхона ва чойхўрлик қилиши қандай тушуниш мумкин? Айниқса, азадор хотин-қизларимизнинг етти-тўққиз ойлаб, қора кийиб, тўй-мавридлардан бенасиб қолиши... қайси урф-одатимизга тўғри келади? Бундай сохта расм-русумлар ҳар қандай инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий томондан эзиб, ҳолдан тойдириб қўйиши мумкинлигини ҳаммамиз англаб, салбий оқибатларини ҳам тушуниб тураемиз. Лекин нега бидъатларга барҳам беролмаймиш? Ўйлаб кўринг, кўнгли ярим одамларни баттар эзгунча, уларга руҳан ёрдам бериб, авайлашса, меҳр-оқибат кўрсатишса, яхши эмасми?! Ҳар бир амални меъёрида бажариб, савоб ва эзгу амалларни қўллаб-қувватласак, хурфотларга берилмасак, ўйлайманки, ўзимизга ҳам, жамиятимизга ҳам моддий ва маънавий зарар етказмасдик. Ахир, бу дунёда инсон азиз, инсон муқаррам, бизлар урф-одатларга эмас, урф-одатлар бизга хизмат қилиши керак эмасми?

Шафқат ЖУРАКУЛОВА

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 832. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 8284.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАБОРОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,

Мафтуна МИНГБОВЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5